Гос. книжная палата УзССР
ОПИСАНО 28 АВГ. 1984

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 196 (18.972). • Якшанба, 26 август 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

КЎЧМА ВИСТАВКА

● «Средазэнергоцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмасининг юзлаб ходимлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланиб бу ерда очилган «Ленин ва Ўзбекистон» кўчма виставкасини томоша қилишди.

Виставкани В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали ташкил этди. Виставка стендларига қўйилган фотосуратлар ва ҳужжатларнинг нусхалари жаҳон пролетариатининг улуғ йўлбошчиси Туркистон ўлкаси меҳнаткашлари ҳаётини қайта қуришга қанчалик эътибор берганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Экспонатлар Ўзбекистон ленинча миллий сиёсат амалга оширилганлиги туфайли совет халқларининг қардошлик оиласида қисқа тарихий муддат ичида экономика, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришда юксак марраларга эришганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Республика ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилейига тайёргарлик кунларида «Ленин ва Ўзбекистон» кўчма виставкаси республика пойтахтининг кўпгина корхоналари ва ташкилотларида намойиш қилинади.

МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИ

МАЙДОН МАРДЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Шеробод районидаги Н. Муродов номли совхоз заршуносларининг мўл ҳосил тўплашга эришдилар. Дала гвардиячилари жами ҳосилнинг 80 процентини агрегатлар ёрдамида териб олишга бел боғлагандар. Айни кунларда улар йиғим-теримга пухта ҳозирлик кўриш билан бир қаторда фақат сифатли хом ашё топшириш бўйича ўзаро социалистик мусобақа боғламоқдалар. Қуйида хўжаликнинг икки моҳир механизаторига сўз берамиз.

КЕЛИНГ, БЕЛЛАШАМИЗ

Муротали ҚУДРАТОВ

— Совхозимиз Шеробод чўлларида янги ташкил этилган хўжаликлардан бири. Бу ерда ўтган йили пахта тайёрлаш плани 113,9 процент бажарилди. Аммо машина терими плани 80 процентда қолиб кетди. Совхозимизда 64 та пахта териш машинаси бўла туриб, пахта асосан қўлда, ўқувчи-ёшлар, шаҳарлик ва Бойсун районидан келган ҳашарчиларнинг ёрдамида териб олинди. Натижада таннарх қимматлашиб кетди.

Хўжалигимиз етарли миқдорда «зангори кема»ларга, кўсак узадиган ва кўрак чувийдиган механизмларга, ерга тўкилган пахтани терадиган агрегатларга, трактор тележкалари ва юк машиналарига эга. Қисқаси, пахтакор механизаторларимиз даладаги мўл ҳосилни қўл кучини ишлатмасдан тўла йиғиб-териб олиш имкониятини берадиган хилма-хил техника воситалари мавжуд.

Шуни айтмоқчиманки, ҳар бир хўжаликда механизатор кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилиши керак. «Зангори кема»ларнинг ҳаммаси икки сменада ишлатилиши, фақат малакали дала гвардиячиларига бириктириб қўйилиши лозим. Механизаторлар ҳозирданоқ терим машиналарини диққат билан кўздан кечириб, учраган нуқсонларни тезда бартараф этишлари, уларни эртанги ишга тахт қилиб қўйишлари керак. Ҳар куни теримдан кейин шпинделларни ювиш, бакни ёнилғи билан тўлатиб қўйиш даркор. Шундагина «оқ олтин» теримини эрта тонгданоқ бошлаб юбориш, уни қош қорайгунча қизғин давом эттириш имконияти туғилади.

Ҳосил йиғим-терими даврида «зангори кема»лар ва бошқа техника воситаларига даланинг ўзида хизмат кўрсатиш учун кўчма устахоналар ишини намунали йўлга қўйиш, уларда зарур эҳтиёт қисмлар бўлишига эришилиши керак. Токи, агрегатлар бир дақиқа ҳам пахта терим даврида бесабаб тўхтаб қолмасин.

Совхозимиз механизаторларининг ҳаммаси Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар қабул қилишган. Масалан, мен бу йилги мавсумда тўрт қаторли машинада 450 тонна «оқ олтин» тераман. Мен бошчилик қилаётган бригада азаматлари 48 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштиришни кўзлашмоқда. Ҳосилнинг ҳаммасини машинада теришни мўлжаллаяпмиз. Совхозимиз бўйича эса етиштирилган ҳосилнинг 80 процентини машинада териб олиш мажбурияти қабул қилинган.

Мажбурият қабул қилиш ишнинг бошланиши, холос. Ҳар бир механизатор эл олдида берган ваъдасига вафо қилгандагина зиммага олинган мажбурият муваффақиятли адо этилади. Демак, сафимизда қолоқлар бўлмасин. Ҳаммамиз зарбдорчасига меҳнат қилиб, Ватан олдидаги ўз бурчимизни адо этайлик!

Серқуёш республикамизнинг шонли 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олайлик!

Мен барча колхоз-совхозларда ўзаро социалистик мусобақа кенг авж олдирилсин, дейман. Совхозимизнинг механик-ҳайдовчиси Самад Ҳакимовни ўзаро социалистик мусобақага чақираман.

Кенг майдонларда астойдил меҳнат қилсак, интизомни мустаҳкамласак, ўзаро ёрдамчиликка йўл қўймасак маррага сўзсиз етамиз.

ВАЪДА ВАФОСИ БИЛАН

Самад ҲАКИМОВ

— Бизнинг бригадамизга таниқли пахтакорлардан бири Тоҳир Ҳакимов бошчилик қилади. Бригадамиз ишчилари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллигини 60 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» йиғиб олиш билан кутиб олишга аҳд қилишган.

Мен 25 йилдан буён трактор рулидаман. Ҳар йилдагидек бу йил ҳам бригадамиз даласига баҳорда чигит экдим, ёзда ғўза қатор ораларига ишлов бердим, кузда эса етиштирилган ҳосилни машинада териб оламан.

Халқимиз биз механизаторларга катта ишонч билдирган. Биз бу ишончни оқлашимиз шарт. Совхозимиз далаларида 11 минг тонналик мажбуриятимизни қоплайдиган даражада ҳосил етиштирилди. Лекин у ҳали далада турибди. Уни қисқа вақт ичида етилтириб ва йиғиб-териб олиб, она-Ватанга топширишимиз лозим. Шундагина дала гвардиячиси деган фахрли номни оқлаган бўламиз.

Кузнинг об-ҳавоси бизни кутиб турмайди. Шундай экан, ҳар бир дақиқанинг қадрига етишимиз, ундан мумкин қадар унумлироқ фойдаланишимиз лозим. Машинада пахта териш плани 20—25 кунда бажарилиши зарур. Шундай қилингандагина ҳосил куз ёмғирлари остида қолиб нобуд бўлмайди, пахтанинг сифати ҳам бузилмайди.

Мен ҳар йили тўрт қаторли машинада 300-350 тоннадан пахта териб келяпман. Бу йил хўжалигимизда пахта кўп ва анча эртаги бўлди. Машина теримига ҳар йилдагидан ҳам яхшироқ тайёргарлик кўрилди. Совхозимизда область механизаторларининг пахтани машинада териш юзасидан кўргазмали семинари ҳам бўлди. Совхозда 12 та терим-транспорт отряди ташкил этилди. Улар ихтиёрига 64 та пахта териш, 12 та пахта юклайдиган, 15 та кўрак чувийдиган, бир нечта кўсак терадиган ва бошқа машиналар жамланган. Бошқа механизаторлар қатори мен ҳам машина теримига пухта тайёргарлик кўрдим ва бу йил «зангори кема» бункеридан 450 тонна ҳосил тўкишга ваъда бердим. Совхозимизнинг илғор механизатори Муротали Қудратов билан ўзаро мусобақа боғладим. Лекин ваъдага вафо қилиш осон иш эмаслигини яхши биламан.

Совхозимиз бўйича 3100 гектар пахта майдони мавжуд. Ҳосилни тезроқ териб олиш учун эса механизаторлар ўртасида мусобақа ҳаракатини ҳар томонлама кучайтирамиз. Ҳар бир машинадан унумли фойдаланамиз. Орамизда кундалик терим нормасини бажармовчилар бўлмайди.

Биз механизаторларнинг хўжалик раҳбарларидан ва мутахассисларидан айрим илтимосларимиз бор. Ғўза баргини сунъий тўктириш ишлари яхшироқ ўтказилсин, далада ёввойи ўтлар бўлмасин. Йўл ва кўприклар, машина айланадиган жойлар вақтида текисланган бўлсин. Терим машиналарига ёқилғи ва мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ўз вақтида етказиб берилсин. Бу ишлар вақтида амалга оширилмаса, машина теримининг унуми бўлмайди. Пахтанинг сифати бузилади.

Ўтган йиллари машина теримига ажратилган майдонларга ҳам ҳашарчилар солиб юборилган эди. Ўйлаймизки, ўтган йили рўй берган камчиликлар бу йил такрорланмайди.

ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ!

● Сизларнинг шижоатингиз туфайли далаларимизда план ва социалистик мажбуриятлар тўла ва ошириб бажарилишини таъминлайдиган даражада ҳосил етилмоқда.

● Йиғим-теримга тайёргарликни авж олдиринг. Мавсумда ишлатиладиган техника воситаларининг ўз вақтида, сифатли ремонтдан чиқарилишига эришайлик.

● Терим-транспорт отрядлари бир маромда, юксак унум билан ишлаши учун ҳозирданоқ аниқ тадбирлар белгилансин.

● Ёш механизаторлар малакасини оширишга эътиборни кучайтирайлик.

● Илғорлар тажрибасини оммалаштириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш диққат марказимизда бўлсин.

● ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз пахтакорлари бу йил тайёрлов пунктларига 6500 тоннадан кўп «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олишган. Пахтакорлар айни кунларда ғўза парваришини қизғин олиб бормоқдалар. Хўжалик механизаторлари йиғим-терим агрегатларини мавсумга шай қилиб қўйдилар. Суратда: илғор пахтачилик бригадаси бошлиғи Қ. Турдиқулов (чапда) ва пешқадам механизатор М. Турдиқулов.

(ЎзТАГ фотоси.)

ЗАВОД ЯНГИ ҲОСИЛГА ШАЙ

● Уйчи хўжаликлараро пахта тозалаш заводи янги мавсум ҳосилини қабул қилишга ва қайта тайёрлашга шай қилиб қўйилди.

Технология машина-ускуналари, тош-тарози ва завод ички транспорт воситалари муддатидан илгари ва сифатли ремонтдан чиқарилди. Бу йил корхонанинг қуввати ҳам ошди. Бу ерда чигитни туксизлантирадиган ва химиявий дорилайдиган янги махсус цех қуриб битказилди. Заводда ўрнатилган энг янги машина-ускуналар уруғликни тез ва сифатли ишлаш имконини беради.

Бу йил корхона қайта ишлаш учун жами 20 минг тонна пахта қабул қилади ва келгуси йил баҳорида деҳқонларга 11-12 минг тонна уруғлик чигит жўнатади.

(ЎзТАГ мухбири).

БУТУН ПАХТА БУНКЕРГА

У. Юсупов номидаги аграрсаноат бирлашмасининг инженери Анвар Рустамов янги пахта териш аппаратини ишлаб чиқариб, теримда пахтани қолдирмай мумкин қадар кўпроқ териш вазифасини ўз олдига қўйди. Чунки мавжуд терим машиналари серунум бўлса-да, ҳосилнинг бир қисмини ололмай қолдириб кетади.

А. Рустамов терим аппарати конструкцияси тузилишини бирмунча ўзгартиришни таклиф қилди. Шпинделлар билан бир вақтда ҳаракат қиладиган бир жуфт лента тўлқинсимон қилиб ишланган. Шу иш органлари бири иккинчисига нисбатан бириничисининг бўртган участкаси иккиничисининг ботиқ участкаси рўпарасида бўладиган қилиб жойлаштирилган. Шундай қилиб ғўза тупи ҳамма томондан бирдай интенсивликда қамралиб пахтаси терилади. Бундай дамбадам таъсир этиш натижасида пахта тўлиқ териб олинди.

И. АПИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ШАХТЁРЛАР БАЙРАМИ

Совет шахтёрлари ёқилғи ва хом ашё қазиб чиқаришни кўпайтириб, мамлакатнинг Энергетика программасини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Тармоқда авж олиб кетган ҳар кеча-кундузда минг тонна кўмир қазиб чиқарувчи бригадалар — «мингчилар» ҳаракати ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда алоҳида роль ўйнамоқда. Тармоқ илғорлари ва новаторлари Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб ишлаб, дастлабки беш йилликлар қаҳрамонларининг шонли анъаналарини кўпайтирмоқдалар.

Шахтёрлар куни байрамига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчилари шу ҳақда гапирдилар. Йиғилиш 24 август куни Москвада бўлиб ўтди.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, бир қанча министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари, олимлар, пойтахт жамоатчилигининг намояндалари бор эди.

СССР кўмир саноати министри Б. Ф. Братченко доклад қилди.

Тармоқнинг мусобақада юксак натижаларга эришган илғорларига А. Стаханов ва И. Бридько номидаги шахтёрлик мукофотлари лауреатларининг дипломлари топширилди.

Йиғилиш қатнашчилари, мамлакат кўмир саноатининг вакиллари КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини бажариш учун тармоқ меҳнатчилари бутун кучлари, тажрибалари ва билимларини сарф қиладилар, деб ваъда бердилар.

(ТАСС мухбири).

К. У. ЧЕРНЕНКОНИНГ ЯДРОСИЗ ЗОНАЛАРГА ДОИР ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ МУРОЖААТНОМАСИГА ЖАВОБИ

1984 йилнинг апрелида Манчестер шаҳрида (Англия) ядросиз зоналарга доир биринчи халқаро конференция бўлиб ўтган эди. Конференцияда Англия, Голландия, Ирландия, Италия, Испания, ГФР, шунингдек АҚШ, Япония ва Янги Зеландия маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари (муниципалитетлари)нинг 200 дан кўпроқ вакили иштирок этди. Ана шу конференцияда қабул қилинган қарорларда унинг қатнашчилари ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун, ядро уруши чиқиши хавфига қарши курашда куч-ғайратларни активлаштиришни ёқлаб чиқдилар. Конференция ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасини чеклаш ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган таъсирчан восита сифатида ядросиз зоналар вужудга келтириши қўллаб-қувватлаш ҳаракатини кенгайтириш керак деган фикрни билдирди.

Конференциянинг секретари бўлган Манчестер шаҳрининг мэри Ж. Хезерингтон КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко номига мактуб билан мурожаат этиб, мазкур проблемалар хусусида Совет Иттифоқининг қарашларини баён этиб беришни илтимос қилди. Ядро қуролига эга бўлган ёки ўз территориясида шундай қурол жойлаштирилган барча давлатларнинг раҳбарларига ҳам худди шундай мактублар йўлланди.

Қуйида ўртоқ К. У. Черненко жавобининг тексти эълон қилинади.

* * *

Муҳтарам секретарь жаноблари!

Муниципалитетларнинг ядросиз зоналарга доир биринчи халқаро конференцияси ва унда қабул қилинган ҳужжатлар ядро уруши хавфидан бутун дунёдаги кишиларнинг хавотирлиги, инсониятни ядро қирғини хавф-хатаридан халос этиш юзасидан ғоят қатъий ва шошилинч чоралар кўрилиши зарурлигини тушуниш ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Ҳозир бир қанча мамлакатларнинг муниципал органлари ҳам ушбу масала билан шуғулланаётганликлари — шонли ва умидбахш фактдир. Оддий инсонларнинг тинчликка бўлган ҳоҳиш-иродаси, энг хатарли қуроллар билан қуролланиш пойгасини жиловлаш муддаоси ўз мамлакатларининг гражданларини ядро ҳалокати хавфига кўникишга мажбур этишни истаётган ҳукуматларнинг сиёсатига қарамай жуда зўр тарзда намоён бўлмоқда.

Совет Иттифоқининг сиёсати ҳаракатингизнинг олижаноб муддаоларига батамом ҳамоҳангдир. СССР ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида ўз зиммасига бир томонлама тартибда мажбурият олди. Шуни ҳам эслатиб ўтаманки, биз бундай қуролни ишлаб чиқаришдан ва сотиб олишдан воз кечаётган ҳамда ўз территориясида бундай қуролга эга бўлмаган давлатларга қарши ядро қуролини ишлатмаймиз.

Ядро қуролига эга бўлган бошқа мамлакатлар СССРдан ўрнак олганлари тақдирда вазият қанчалик юмшашини, давлатлар ўртасидаги ишонч мустаҳкамланишини тасаввур этиш қийин эмас.

Совет Иттифоқи ядро қуролини батамом тугатишга қадар уни тўбдан чеклаш ва қисқартириш йўли билан умуман ядро уруши хавфини бартараф этишга доир конкрет тадбирлар программасини олга сурди.

Ядросиз зоналарни вужудга келтириш — хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашнинг муҳим йўналишидир. Бундай зоналар — хомхаёл эмас. Бу йўналишдаги куч-ғайратлар ҳозирдаёқ баъзи натижаларни берди. Бу куч-ғайратларни барча йўналишларда кўпайтира бориб, ер юзини ядро чечагидан қадам-бақадам халос этиш керак.

Совет Иттифоқи бошқа социалистик мамлакатлар билан бирга, жумладан Шимолий Европада ва Болқон ярим оролида ядросиз зоналар вужудга келтиришнинг, Марказий Европадаги тегишли зонадан ядро қуроли жанг майдони йўқотилишининг, умуман ўртача олисликка учириладиган ва тактик ядро қуролидан Европани халос қилишнинг қатъий тарафдоридир.

Ядро уруши хавфини жиловлаш учун курашда ҳар бир ҳисса салмоқли ва муҳимдир. Турли мамлакатлар муниципал органлари сарфлаётган куч-ғайратларни бирлаштирган ҳаракатингизга муваффақият тилайман.

Ҳурмат билан

К. ЧЕРНЕНКО.

НУҚУЛ ЮҚОРИ СИФАТДА

● Ленинскдаги мотор-ремонт заводи ишлаб чиқараётган маҳсулотга рекламация юбориш ҳоллари батамом тугатилди. Маҳсулот сифатини бошқариш комплекс тадбирлари жорий этилганлиги бунга ёрдам берди. Корхона цехларида ишлаб чиқаришни тўхтатмай реконструкция қилиш йўллари амалга оширилди, машина-ускуналарнинг бир қисми янгиланди.

Завод йил бошидан буён республика колхоз ва совхозларига чопиқ тракторларининг ремонтдан чиқарилган 18 минтга двигателини ва кўпгина бошқа юқори сифатли маҳсулотларни жўнатди, бу эса план топширғида кўзда тутилганидан тўрт процент кўпдир.

(ЎзТАГ).

СССР Мудофаа министрлигида

Совет Иттифоқи янги хатарли йўналишдаги қуролланиш пойгасининг олдини олишга интилиб, Америка Қўшма Штатларига олисга учириладиган қанотли ракеталарни тақиқлаш тўғрисида аҳдлашиб олишни бир неча марта таклиф этди. Бироқ Америка маъмурияти бу таклифни қабул қилмади. Бу маъмурият Совет Иттифоқи АҚШда шу турдаги қанотли ракеталар пайдо бўлишини оқибатсиз қолдирмайди, деган огоҳлантиришларга ҳам қулоқ солмади. АҚШ олисга учириладиган қанотли ракеталарни кўплаб жойлаштиришга киришди, шу жумладан 1983 йилнинг декабридан бошлаб Ғарбий Европадаги баъзи мамлакатларда ердаги базаларга шундай ракеталарни жойлаштирмоқда.

Совет Иттифоқи ўз хавфсизлигини, Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа давлатларнинг хавфсизлигини таъминлаш манфаатларини кўзлаб, тегишли чоралар кўрди. Ҳозирги вақтда СССРда олисга учириладиган ва ердаги базаларда жойлаштириладиган қанотли ракеталар муваффақиятли синовдан ўтказилмоқда.

Совет Иттифоқи қуролярғлар реал чекланиши ва қисқартирилишига эришиш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилади. Бироқ АҚШ маъмурияти ишни ҳарбий устунликка эришиш сари давом эттираверган тақдирда Совет Иттифоқи СССР билан АҚШ ўртасидаги, Варшава Шартномаси билан НАТО ўртасидаги кучлар мувозанати бузилмаслиги учун бундан буён ҳам жавоб чоралари кўришга мажбур бўлади.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

КОММУНИСТ ДАЪВАТИ

Косонсой район меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллик юбилейини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун курашиб, резерв ва имкониятларни тобора тўла ишга солаётирлар. Улар КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаб, планларни барвақт бажаришга эришмоқдалар.

Партия группалари ва цех партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида юксак мажбуриятларни бажаришда коммунистлар қандай фаоллик кўрсатаётганлиги атрофлича таҳлил қилинмоқда. Турли ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат қилаётган ҳар бир коммунистнинг юбилей йили марраларини эгаллашга қўшаётган ҳиссаси принципиал позицияларда туриб қараб чиқиляпти, ишдаги камчиликлар ошкора, талабчанлик билан танқид қилиняпти. Негаки, партия ташкилотларининг келгуси фаолиятлари шу ҳисобот-сайлов йиғилишларидаги руҳга, уларда қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ.

Косонсой район партия комитети шу боисдан ҳам ҳар бир ҳисобот-сайлов йиғилишини пухта тайёргарлик билан ўтказиш чораларини кўрди. 168 та партия группаси, 113 та цех партия ташкилотида коммунистлар ўз фаолиятларини КПСС Марказий Комитетининг апрель ва февраль Пленумлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларидан келиб чиқадиган юксак талаблар нуқтаи назаридан муҳокама қилмоқдалар. Улар меҳнат коллективларида социалистик мусобақани амалий жиҳатдан ташкил этишда фаоллик кўрсатиб, меҳнат унумдорлигини оширишда, янги-янги резервларни ҳаракатга келтиришда ва ижтимоий ҳаётдаги авангардликни таъминлашда тобора изчил иш олиб боришяпти.

«Қўқимбой» совхози ферма партия ташкилотига ўн етти коммунист бирлашган. Ҳисобот-сайлов йиғилишида ўн коммунист сўзга чиқди. Улар чорва маҳсулдорлигини ошириш, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар таннархини арзонлаштиришга тўғаноқ бўлиб келаётган муаммоларни тилга олишди. Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати Мулойим Чегировининг сўзларини алоҳида эътибор билан тинглашди.

— Озиқ-овқат программасини бажариш юзасидан кўплаб хайрли ишлар қилинаётган бир вақтда бизнинг коллективда ўтган йилга нисбатан сигирлар 71, қўйлар 55, паррандалар 3401 бошга камайиб кетди. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасида турли чоратадбирлар кўрилди. Шунга қарамай, ўз ишига совуқконлик билан қараб, меҳнат интизомини бузганлар ҳам бўлди. Мен 22 бош сигирдан шу кунгача 46 тонна сут соғиб олдим. Барча коммунистларни ишлаб чиқаришда авангардлик кўрсатиб, ўн биринчи беш йилликни тўрт ярим йилда бажаришга даъват этаман.

Музокарада сўзга чиққан О. Гараева, Н. Улухўжаева, Ш. Исмоилов ва А. Раҳимов каби коммунистлар ишлаб чиқаришни юксалтиришнинг муҳим резервлари борлигини айтиб, қимматли танқидий фикр ва мулоҳазалар билдиришди. Улар коммунист М. Чегировнинг ва даъватига жавобан ўз зиммаларига олган йиллик социалистик мажбуриятларини ўн бир ойда бажаришга аҳд қилганликларини маълум қилишди. Айни пайтда коммунистлар коллектив аъзоларини ўн биринчи беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун курашга сафарбар этишда, тарбиявий ишни йўлга қўйишдаги камчиликларни рўй-рост кўрсатиб беришди. Дарҳақиқат, ҳисобот даврида айрим ишлаб чиқариш участкаларида сиёсий-тарбиявий ишлар бирмунча бўшаштириб қўйилганди. Тўғри, партия йиғилишлари ўз вақтида ўтказиб турилди, лекин қабул қилинган қарорлар ҳамиша ҳам охирига етказилмади, изчил бажарилмади.

«Дўстлик» совхозининг 1-бўлими партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳам принципиал ва талабчан танқид руҳида ўтди. Йиғилишда қатнашиб, сўзга чиққан район партия комитети ташкилий ишлар бўлимининг мудири Мираббос Жалилов цех партия ташкилоти йил давомида фақат бир кишига ўсганлигини мисол келтириб, илғор комсомоллар ва ишлаб чиқариш илғорлари ҳисобига цех партия ташкилотининг сифат состави яхшиланмаётганлигини, ўрта бўғин кадрлари масъулиятини ошириш, уларни тарбиялаш ишини кенг йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлади.

Районнинг кўплаб хўжаликларида, жумладан, «Правда» колхозининг партия группаларида, «Косонсой» совхозининг 1- ва 3-цех партия ташкилотлари ҳамда Худойбердиев номли совхознинг 2-бўлим 8-бригадаси партия группасида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳам танқид ва ўз-ўзини танқид, ўзаро талабчанлик вазиятида ўтди.

Район партия комитети партия группалари, цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик қўришнинг пишиқ-пухта планини ишлаб чиққанлиги туфайли йиғилишлар барча коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги активлигини оширишга ва ташаббускорлигини кучайтиришга қаратилди. Ҳисобот-сайловлар барча коммунистларни шонли юбилейни ҳамда КПСС XXVII съездини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга сафарбар этмоқда.

Ҳошимжон МАДАТОВ,
Москва Давлат университети дипломанти.

● НИЖНЕВАРТОВСК
(Тюмень области)

Самотлор конидаги КС-3 газ-нефть компрессор станциясида ишга тушириш-созлаш ишлари бошланди. Станция ишга тушиши натижасида қариб 500 қудуқдан нефть келиши кўпаяди, нефть билан биргалашиб чиқувчи газдан самаралироқ фойдаланилади.

● НОВОСИБИРСК

Шаҳарда қурилаётган ТЭЦ-5 да биринчи энергоблок монтаж қилина бошлади. Станциянинг лойиҳадаги қуввати миллион киловаттга боради. У ишга тушгач, область марказидаги уй-жой районлари ва саноат корхоналарини иссиқ сув билан таъминлаш ҳам яхшиланади. ТЭЦ қозонларида махсус тайёрланган кўмир аталасини ёқиш кўзда тутилади. Кузбассдан шундай атала юбориб туриш учун 250 километр узунликда қувур ётқизилмоқда.

● СТАРОКОНСТАНТИНОВ
(Хмельницкий области)

«Металлист» заводи қишлоқ қурувчилари учун кўчма поселкалар тайёрлаб чиқара бошлади. Ушар ётоқхоналар, клублар, ошхоналар, медпунктлар, маиший хизмат биноларидан иборат бўлади. Шундай посёлкаларнинг дастлабки комплектлари РСФСР Ноқоратупроқ зонасида, Украина, Қозоғистон ва Озарбайжонда элеватор қурувчиларга аталган. Шу йил контейнер типида икки ярим мингтадан кўп кўчма уй тайёрлаб чиқарилади.
(ТАСС).

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

«ТАБАССУМ» АНСАМБЛИНИНГ САФАРИ

● Қува район маданият уйининг «Табассум» қўшиқ ва рақс халқ ансамбли Забайкальега қилган гастрол сафаридан қайтиб келди.

Қишлоқ артистлари — пахтакорлар, механизаторлар, ўқитувчилар ўз концертлари билан икки ҳафта давомида сибирликларни хушнуд қилдилар. Бу концертларда халқ асарлари ва замонавий қўшиқлар, куйлар, рақслар ижро этилди. Фарғона водийсидан борган артистларнинг концертлари ҳамма жойда самимий кутиб олинди.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН ПРОГРАММА

● «Гулла, яшна, жонажон Ўзбекистон». Фарғона областидаги Ёзёвон маданият уйининг «Гўзал» ансамбли республика юбилейига бағишланган ўз программасини ана шундай деб атади.

Марказий Фарғона ерларида ташкил қилинган «Целинник» совхозининг меҳнатчилари шу программани биринчи бўлиб томоша қилдилар.

«Гўзал» ансамбли Ёзёвондан Фарғона водийсидаги хўжаликларнинг шийпонларига жўнаб кетган агитпоезд составига киради. Агитпоездда киноустановка, кутубхона ҳам бор. (ЎзТАГ).

БУГУН—ШАХТЁРЛАР КУНИ

«ҚОРА ОЛТИН» ИЖОДКОРЛАРИ

Суратда: социалистик мусобақа пешқадами, шахтёр Ҳазрат Раҳимов.

И. Хўжаев фотоси (ЎзТАГ).

Бугун мамлакатимиз «қора олтин» ижодкорлари — Шахтёрлар кунини байрам қилади. Ҳадсиз-ҳисобсиз ер ости ёқилғисини қазиб олиб, эл-юртга миннатдорлик этаётган фахрли касб эгалари — республикамиз шахтёрлари бу йил ўз байрамларини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллик тўйи шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдирган, улкан меҳнат ғалабаларини қўлга киритаётган бир вазиятда кутиб олмоқдалар.

Қуйида диёримиз кўмир саноатининг асосий базаларидан бири —Шарғун кон бошқармасининг илғор шахтёри, социалистик мусобақа ғолиби Ҳазрат Раҳимовнинг мухбиримиз билан қилган суҳбатини ўқийсиз.

— Ҳазрат ака, бошқармангиз шахтёрлари ўзларининг анъанавий байрамларини қандай меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар?

— Бошқармамиз коллективи етти ойда планга қўшимча 4 минг тонна кўмир қазиди. Бу, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ҳам ёки йиллик мажбуриятимизга нисбатан ҳам анча кўпдир. Қолаверса, яқиндагина ўзининг 25 йиллигини нишонлаган шахтамиз ишга тушганидан буён мамлакатга 4600 минг тоннадан кўп «қора олтин» етказиб берди.

— Шахтада сиз билан елкама-елка баракали меҳнат қилаётган ҳамкасбларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?

— Шахтёрларимиз орасида ўзининг ҳалол ва фидокор меҳнати билан донг таратаётган илғорлар сафи кенгайиб бормоқда. Масалан, Мунир Рафиқов бошлиқ бригада коллективини олинг. Коллектив етти ойлик топшириқларини икки баравар ошириб бажарди. Планга қўшимча 914 метр проходка ишлари амалга оширилди. Шунингдек, шахтамизнинг Александр Разумний, Виктор Рилов, Мансур Мингноров, Фригман Геллияров, Файзулла Турсунов ва Убайдулла Пардаев сингари ўнлаб илғор шахтёрлари номини ҳурмат билан тилга оламиз. Коммунистик меҳнат бригадаси сардори, моҳир проходкачи Камол Хоновнинг меҳнат календарида 1986 йил ҳисоби очилганига анча бўлди.

— Бошқармангиз коллективининг юбилей йили режалари қандай?

— Коллективимиз кўмир қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш йўлида янги-янги резервларни қидириб топиб, уларни оқилона ишга солмоқда. Шахтёларимиз мақсад-муддаоси келгуси беш йиллик бошида шахта бўйича 200 минг тонналик маррага чиқиш. Мамлакатимиз халқ хўжалиги қазиб олинишги кутилаётган ана шу кўмирнинг кўпгина қисмини брикет ҳолида олади.

Шахтёрларимиз бундан кейин ҳам меҳнатга ижодий ёндашиб, кам харж билан кўп, арзон ва сифатли маҳсулот бериш учун барча резерв ва имкониятлардан самаралн фойдаланаверадилар.

Бугун республикамиз кўмир саноати базалари — таъбир жоиз бўлса серқуёш Ўзбекистон кочегаркалари — Ангрен ва Шарғунда Шахтёрлар куни катта байрам тусини олади. Клубларда бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг санъаткорлари байрам концертлари намойиш этишади. «Қора олтин» ижодкорларининг сайиллари ўтказилади. Халқ хўжалигимизни қимматбаҳо ёқилғи билан таъминлаш йўлида жон куйдириб меҳнат қилаётган республикамиз шахтёрларини байрам билан қизғин қутлаймиз, уларнинг улуғвор ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

ЁРҚИН ҲАЁТ

А. И. УЛЬЯНОВА-ЕЛИЗАРОВА ТУҒИЛГАН КУННИНГ 120 ИЙЛЛИГИГА

Совет давлат ва партия арбоби, В. И. Ленининг опаси Анна Ильинична Ульянова-Елизарова (1864—1935) туғилган кунга бугун 120 йил тўлди. У Илья Николаевич ва Мария Александровна Ульяновлар оиласи бузоқ инқилобий жасоратининг қатнашчиси сифатида катта ва ёрқин ҳаёт йўлини босиб ўтди. Бу оиланинг эрта вафот этган Ольгадан бошқа барча фарзандлари йирик революционерлар бўлиб етишган эдилар.

Анна Ильинична «Халқ эрки» тор-мор қилингандан кейин сиёсий йўлни онгли равишда танлаб олди. Ўшанда ёш авлод курашнинг янги йўлларини қидираётган эди. Халқ бахт-саодати учун ҳормас-толмас ва қатъиятли курашчи бўлган А. И. Ульянова-Елизарова революцион марксчилар ҳаракатининг фаол арбоби бўлиб етишди. У В. И. Ленин томонидан ташкил этилган «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи» ишида иштирок этди. РСДРП Москва комитетининг энг актив аъзоси, ленинчи «Искра»нинг агенти эди.

Анна Ильинична Петербург, Томск, Самара, Саратов, Киевда катта иш олиб борди. Пролетар хотин-қизлар ҳаракатида, бир қанча большевистик органларни нашр этишда қатнашди. Чор амалдорлари бу қўрқмас ва фидокор аёлни бир неча марта қамадилар ва турмаларда тутқинликда сақладилар. Аммо иродасини бука олмадилар. Февраль революцияси рўй берганда у ҳибсхонада эди.

В. И. Ленин ва Н. К. Крупская 1917 йилда Россияга қайтишгач, А. И. Ульянова-Елизарова квартирасида яшашди. Анна Ильинична Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгандан сўнг янги жамият қурилишида фаоллик билан қатнашди. Владимир Ильич опасини жуда яхши кўрар ва ҳурмат қиларди. Унинг билимдонлигини, партия ишига садоқатини юксак қадрларди. Анна Ильинична Владимир Ильичнинг дўсти, курашдаги сафдоши бўлибгина қолмай, Ульяновлар оиласи анъаналарини кўз қорачиғидай асровчи шахс ҳам эди.

Анна Ильинична умрининг сўнгги йилларида илмий иш билан шуғулланди. В. И. Ленин қариндош-уруғлари ва яқинлари, Ильичнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилувчи тарихий-адабий асарларни яратди.

Ноёб истеъдодли, ғоятда меҳнатсевар, камтар, ўзига ва бошқаларга юксак талабчан, одамларга меҳрибон бўлган Анна Ильинична халқ қорасида катта обрў-эътибор қозонган эди.

Партиянинг улуғ иши учун курашга ёрқин, ўчмас саҳифалар битган А. И. Ульянова-Елизаровонинг ҳаёти Коммунистик партия ва халққа чексиз садоқат ва фидойилик билан хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАРНИ ЧЕТЛАБ»

Юқоридаги сарлавҳа остида газетамизнинг шу йил 28 июнь сонида босилган мақолада Чуст район маҳаллий Советлари колхоз ишлаб чиқаришига етарли раҳбарлик қилмаётгани, ўз ваколатларидан фойдаланишда қатъийлик ва активлик кўрсатмаётгани, бунинг оқибатида эса сўнги йилларда давлатга пахта сотиш планлари бажарилмагани, жамоат ерларининг талон-торож қилинаётганлиги танқид остига олинган эди.

Ушбу мақола юзасидан ЧУСТ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ редакциямизга қуйидаги мазмунда жавоб йўллаган:

— Мақола район Совети ижроия комитети мажлисида муҳокама қилиниб, унда келтирилган фактлар тасдиқланди.

Юқори партия, совет ташкилотлари қарорларини ва ўзи қабул қилган қарорларнинг ижросини контрол қилишда, депутатлар ва доимий комиссиялар фаолиятини оширишда, хўжаликларда социал-иқтисодий планларнинг бажарилишига етарли раҳбарлик қилмагани, территорияда ишга яроқли аҳолини қишлоқ хўжалик ишларига сафарбар этишда хатоларга йўл қўйганлиги учун Хисорак қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси У. Қаҳҳоров қаттиқ огоҳлантирилди.

Ана шу мақола Хисорак қишлоқ Совети ижрокоми мажлисида ҳам муҳокама қилиниб, унда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, колхоз территориясида яшаб унинг ери, суви ва бошқа имтиёзларидан фойдаланиб келаётган ҳар бир кишидан белгиланган меҳнат минимумини бажаришни таъминлаш талаб қилинди. Камчиликларни тугатиш юзасидан конкрет чора-тадбирлар белгиланди.

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИДА

«АГИТАТОР»

«Агитатор» журналининг 17-сони босилиб чиқди. Журнал «Эстония ССР раҳбар кадрларининг меҳнаткашлар ўртасидаги сиёсий-тарбиявий ишда қатнашишлари тўғрисида»ги қарор билан очилади.

Суҳбатлар учун бағишланган бўлимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаевнинг «Миллатлар равнақига кўмаклашиб» сарлавҳали мақоласи, СССР Госплани раисининг ўринбосари В. Лахтиннинг «Халқ учун моллар: аҳвол ва истиқболлар» мавзуидаги суҳбати, СССР Ўрмон хўжалиги давлат комитетининг раиси А. Зверевнинг «Ўрмонга ғамхўрлик» мақоласи эълон қилинган.

Бир қанча материаллар Озиқ-овқат программасини бажаришга бағишланган. Улар орасида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Рассвет» колхозининг механизатори В. Чердинцевнинг мақоласи бор.

А. Илларионовнинг «Иқтисодий эксперимент: дастлабки якунлар» мақоласи ҳам агитаторларнинг эътиборини ўзига тортади.

«Маданият ва ахлоқ» бўлимида журналхонлар ёшларнинг тарбияси ва кино кунига бағишланган материаллар билан танишадилар.

Б. Загладиннинг «Коммунистлар — курашнинг олдинги маррасида», Конгодаги «Этумба» газетаси бош редактори Г. Ботендзанинг «Янги жамият қуриш йўлида» сарлавҳали мақолалари ва бошқа материаллар халқаро тематикани ўз ичига олади.

«Агитация сифатли ва таъсирчан бўлсин» деган бўлимда ёшларнинг мураббийлари, агитация кадрларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги хат ва хабарлар босилган.

Журналнинг шу сонида совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси 40 йиллигига бағишланган лекциялар, докладлар ва суҳбатларнинг намунавий тематикаси берилган. (ТАСС).

СОВЕТЛАР ВА ҲАЁТ

РАСМИЯТЧИЛИК

Иштихон районидаги Митан қишлоқ Совети фаолияти кейинги йилларда анча жонланди. Ижроком аъзолари, депутатлар ижтимоий ҳаётда янада активроқ иштирок этишяпти. Лекин қишлоқ Совети, айниқса унинг доимий комиссиялари фаолияти шу кунги талабга яраша эмас.

Митан қишлоқ Совети райондаги «Правда» колхози, «Мингчинор» совхози территорияларини бирлаштиради. Бу хўжаликларнинг жамоатчи активи, ишлаб чиқариш илғорларидан 75 киши қишлоқ Совети депутатлигига сайланган. Уларнинг асосий қисми тўқизта доимий комиссияга уюшган. Иқтисодий, социал-маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда улар катта кучдир.

Қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси Митанбой Турдиалиевнинг айтишича, қишлоқ хўжалик доимий комиссияси намунали ишламоқда. Тўғри «Мингчинор» совхози мева, узум, «Правда» колхози дон, гўшт, тухум сотишни кўпайтиришида мазкур комиссия аъзолари анчагина куч сарфлашгани сезилади. Аммо, афсуски, комиссия қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, хусусан, пахтачиликни интенсив ривожлантириш учун астойдил курашмаяпти.

«Правда» колхозининг асосий иқтисодий базаси пахтачилик ҳисобланади. Бу тармоқ кейинги йилларда жиддий оқсамоқда. Хўжалик уч йил давомида давлатдан 3135 тонна пахта қарздор бўлиб қолди.

Хўш, бундай қолоқликни бартараф этиш учун комиссия реал тадбирлар белгиляяптими? Очиғи, биз бу саволга ижобий жавоб ололмадик. Негаки, комиссия аъзолари пахтачиликни юксалтиришнинг туб проблемалари билан шуғулланиш ўрнига қоғозбозлик ва расмиятчилик билан банд бўлиб қолмоқдалар.

Улар деҳқонлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатишмаган. Пахтачиликни комплекс механизациялаш эътибордан четда, шу боис ҳар йили ғўза парвариши, йиғим-терим ва бошқа юмушларда техника воситаларидан унумли фойдаланилмаяпти.

Комиссия аъзолари «Правда» колхозида чорвачилик секнилик билан ривожлана, ётганига кўпдан эътибор бермай келаётир. Бу ерда гўшт ва тухум сотиш планлари кейинги йилларда эўрга бажарилди. Сут етиштириш ва уни сотиш планлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Масалан, сўнгги уч йил мобайнида колхоз мўлжалдагидан 125 тонна кам сут сотди. 1984 йилнинг олти ойлик плани ҳам бажарилмади: фақат шу даврда пландагидан 40 тонна кам сут тайёрланди.

Қишлоқ хўжалик доимий комиссиясини «Правда» колхозининг илғор бригада бошлиғи депутат Пирназар Худойназаров бошқаради. Аммо у зиммасига юкланган жамоатчилик бурчини моҳирона бажармоқда, деб бўлмайди. Шу сабабга кўра комиссия деҳқончилик ва чорвачиликни муттасил ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этувчи тадбирлар белгиламаётир. Бундан ташқари комиссия мажлислари мунтазам равишда ўтказилмаяпти. Бу иш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қишлоқ Совети ижроия комитети раиси М. Турдиалиев ва қишлоқ хўжалик доимий комиссияси раиси П. Худойназаров билан қилинган суҳбат чоғида уларнинг иш методи ва услубида расмиятчилик чуқур илдиз отганлиги ойдинлашди. Улар 1983 йилга даҳлдор бирорта ҳам ҳужжат кўрсата олишмади. Фақат 1984 йилда комиссиянинг икки марта мажлиси ўтганлиги ҳақидаги протоколларни рўкач қилишди. Афсуски, бир қарашдаёқ улар сохта эканлигини пайқаб олиш қийин эмасди.

Қишлоқ Советининг хотин-қизлар меҳнати, турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш доимий комиссияси фаолияти ҳам сезиларли даражада эмас. Комиссия раиси 41-ўрта мактаб директори депутат Турдигул Қаршиева актив жамоатчи сифатида танилган. Лекин у депутатлик ва комиссия раиси сифатидаги бурчини қандай ўтамоқда? Суҳбатимиз мавзуи шу ҳақда борди.

— 1984 йилнинг март ва июнь ойларида ўтказилган мажлисларда қандай масалаларни муҳокама қилгансизлар?

— Эслолмайман.

— Ахир, протоколларда сиз докладчи қилиб кўрсатилгансиз-ку?!

— Тўғри, доклад қилганман.

— Ўша докладлар билан танишсак...

— Мен ёзиб ўтирмай оғзаки доклад қиламан.

— Йўғ-е!..

— Ҳа, нега ажабланасиз? Асосий вазифам мактабда, Советлар иши мен учун иккинчи даражали...

«Комиссия раиси ҳазиллашмаётганмикин?», деган ўйга бордик. Афсуски, Турдигул Қаршиева ҳазиллашмаётган эди. Ахир, у бошқараётган комиссия хотин-қизлар меҳнати ва турмуш масалаларидан ташқари мактабгача тарбия муассасалари проблемалари билан ҳам шуғулланиши керак-ку!

Доимий комиссия ҳар иккала хўжаликда мактабгача тарбия муассасалари ишини яхшилашга панжа орасидан қарайди. Бултур ҳам, бу йил ҳам комиссия мажлислари ўтказилмаган. 1984 йилда «Мажлис ўтказилди» деган фикр қайд этилган ва бизга рўкач қилинган протоколлар сохта — улар хомхатала, пала-партиш ёзилган.

Мажлислар ўтказилмаса, комиссия раиси ва аъзолари сохта ҳужжатлар тузиш билан овора бўлишиб, асосий вазифаларини унутиб юборишса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, боғча-яслилардаги аҳволни яхшилаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун курашиш ўрнига ўзларини четга тортишса, жойлардаги аҳвол қандай бўлиши мумкин? Очиғи, «асосий ишим мактаб-маориф соҳасида», деб писанда қиладиган Т. Қаршиева бошчилигидаги доимий комиссия фаолияти худди шу соҳа билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ҳис қилмаслиги кишини ажаблантиради. Комиссия раиси ва аъзолари зиммаларидаги муқаддас бурчга нисбатан совуққонлик билан муносабатда бўлишаётгани қуйидаги фактларда яққол ифодаланади:

«Правда» колхозида кичкинтойларни мактабгача тарбия муассасаларига жалб этиш талабга жавоб бермайди. Тўғри, бу ерда 6 та доимий боғча мавжуд, лекин уларнинг бирортаси типовой бинога эга эмас. Тарбияланувчилар гўшт, сут, тухум каби маҳсулотлар билан етарли миқдорда таъминланмайди.

Бу йил хўжаликда 18 та мавсумий боғча ташкил этилган. Лекин уларда қулай шарт-шароитлар яратилмагани аниқланди. Моддий база ночор аҳволда, мутахассис кадрлар хусусан тарбиячи-мураббийларнинг етишмаслиги ишни анча мураккаблаштирмоқда. Мавсумий боғчаларда кичкинтойларни сифатли озиқ-овқат, мева-чева билан таъминлаш учун ҳеч ким қайғурмаяпти.

«Мингчинор» совхозида бундан ҳам ачинарлироқ манзара кўзга ташланади. Йирик хўжаликда бирорта ҳам боғча ёки яслини учратмайсиз.

Қишлоқ Совети қошидаги савдо ва умумий овқатланиш, социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш доимий комиссиялари фаолиятини ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Митан савдо бирлашмасида мунтазам содир бўлаётган камчиликлар депутатларни ташвишга солмаётир. Бирлашманинг кўпгина магазинларида санитария ҳолати талабга жавоб бермагани устига савдо маданияти қўпол равишда бузилмоқда. Бундай камчиликларга қарши курашиш доимий комиссиялар ишининг биринчи даражали вазифаси-ку!

Маданий-оқартув ва халқ маорифи доимий комиссияси аъзолари ҳам ўз бурчларини унутиб қўймоқдалар. Чамаси, улар ҳам асосий вазифаларини сохта ҳужжат тузишдан иборат деб билишса керак. Акс ҳолда мутлақо ўтказилмаган мажлислар учун расмийлаштирилган «протокол»лар билан маданий-оқартув соҳасидаги камчиликларни тугатиш ниятида йўқлигини, бундай кўзбўямачилик билан ҳеч қанақа муваффақиятга эришиб бўлмаслигини озми-кўпми ҳис этишган бўлишарди. «Правда» колхозининг ўн саккиз қишлоғига фақат битта клуб хизмат қилади. Ачинарлиси шуки, хўжаликда ягона ҳисобланган ана шу даргоҳда оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар намунали уюштирилмаган.

Клубда фақат бадиий ҳаваскорлик тўгараги бор. Афсуски, у ҳам тарқоқ ҳолда, машғулотларни мунтазам ўтказмайди. Клубда турли халқ университетлари, бошқа ҳар хил тўгараклар ташкил этишга бефарқ қаралмоқда.

«Мингчинор» совхозида 847 ўринли мактаб, 140 ўринли боғча қурилиши аллақачон бошлаб юборилиши керак эди. Бироқ хўжалик раҳбарларининг беғамлиги оқибатида бу эзгу иш нуқул орқага судралмоқда. Уларни фаолликка чақириш, масъулият ҳиссини уйғотиш наҳотки депутатларнинг қўлидан келмаса?

Доимий комиссиялар, шубҳасиз, Советларнинг мустаҳкам таянчидир. Аммо Митан қишлоқ Советида мазкур комиссиялар расмиятчилик учунгина тузилганга ўхшайди. Қишлоқ Совети ва унинг доимий комиссияларига ҳам дастлабки, ҳам асосий ёрдамни, энг аввало, халқ депутатлари Иштихон район Совети ижроия комитети кўрсатиши зарурлигини алоҳида таъкидлаймиз. Лекин, афсуски, ҳозирча район Советидаги ўртоқлар бу масала билан қизиқишни, доимий комиссиялар фаолиятини йўналтиришни ўзларига эп билмаётирлар. Худди шундай фикрни Иштихон район партия комитети адресига ҳам бемалол айтиш мумкин.

Советларга партиявий раҳбарликни кучайтириш давр тақозосидир. Шу боисдан район партия комитети зиммасига жуда катта масъулият тушади. Райком Митан қишлоқ Совети, унинг доимий комиссиялари фаолиятини йўналтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ролини тағин ҳам ошириш, айниқса депутатлар фаоллигини таъминлаш учун барча чораларни кўриши керак.

А. ДИЛМУРОДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КАНОПНИНГ ЯНГИ НАВИ

● Коммунистик районидаги «Правда» колхозининг лубкорлари канопнинг «Ўзбекистон 19-72» янги навидан мўл ҳосил йиғиштириб олдилар. Ҳар гектар ердан одатдагига қараганда 20 центнер кўп луб олинди. Бу йил янги нав Коммунистик районидаги Свердлов номли, Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозларда ҳам етиштирилди.
(ЎзТАГ).

ВИЗИТ ТУГАДИ

24 август куни ҳинд космонавтлари Р. Шарма билан Р. Малхотранинг СССРга қилган визити тугади. Меҳмонлар СССР Фанлар академиясининг таклифига биноан мамлакатимизга келган эдилар.

Улар Москва, Ленинград, Киев, Олмаотада бўлдилар, Учишни бошқариш марказини, Л. И. Брежнев номидаги Звездний шаҳарчасини бориб кўрдилар. (ТАСС).

ФАНИМИЗ ЗАҲМАТКАШЛАРИ

ИЗЛАНУВЧАН ОЛИМ

Республикамиз илм аҳли ва кенг жамоатчилик атоқли олим, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, биология фанлари доктори, профессор Аҳрор Музаффаров туғилган кунининг етмиш беш йиллигини кенг нишонламоқда.

Аҳрор Музаффаровичнинг илмий фаолияти 1936 йилда Фарғона давлат педагогика институтининг биология кафедрасида бошланган эди. Бу ерда у профессор С. В. Аверинцев раҳбарлигида Марғилонсой сув ўтлари флорасини ўрганишга киришади. Тўпланган материаллар асосида 1943 йили «Марғилонсой сув ўтлари флораси» деган мавзуда биология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлайди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, А. Музаффаров Ўрта Осиёда биринчи бўлиб сув ўтларни ҳар томонлама ўрганиб, унинг туганмас яшил хазина эканлигини айтиб, ундан халқ хўжалигида самарали фойдаланиш мумкинлигини назарий жиҳатдан исботлади.

Олим жуда кўп илмий экспедицияларда қатнашди, Ўрта Осиё тоғ сув ҳавзаларида беш мингдан зиёд сув ўти намуналарини тўплади. Уларни изчил ўрганди ва маълум системага солди. Қилинган ишларнинг якуни сифатида 1952 йили «Ўрта Осиё тоғ сув ҳавзаларининг сув ўтлари флораси» деган мавзуда докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди. Кейин Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институтига директорлик, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг тубан ўсимликлар кафедрасига мудирлик қилди. Изланувчи олим Аҳрор Музаффаров Ўрта Осиёда биринчи бўлиб сувўтшунослик фанига асос солди. Шу боисдан бўлса керак, у кишини танийдиган ва мулоқотда бўлганлар кўпинча уни хлореллачи домла дейишади. Дарвоқе, хлорелла деганда нимани тушунамиз? Хлорелла — бу бир хужайрали, катталиги 3—10 микрон (бир микрон миллиметрнинг мингдан бир улуши) келадиган яшил сувўти бўлиб, у тупроқда, турли сув ҳавзаларида тарқалган. Иттифоқимизда унинг ўндан зиёд тури маълум. Ҳозирги пайтда хлорелланинг совуққа чидамли — мезофилл ва иссиққа чидамли — термофилл штаммлари маълум бўлиб, халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг ишлатилмоқда. Хлорелла айниқса чорвачиликда, пилла-чиликда, паррандачиликда, чорвачилик комплекслари ва саноат оқова сувларини тозалашда, ниҳоят пахтачилик соҳасида асқотди. Масалан, хлорелла суспензияси (суюқ хлорелла) чорва молларга овқат рациони билан биргаликда ёки тўғридан тўғри сув ўрнида берилганда, маҳсулдорлик 20—25 процент ортади. Айниқса соғин сигирларнинг сути кўпайиб, сифати яхшиланади. Ундан ташқари, хлорелла ва бошқа сув ўтлар жониворлар учун шифобахшлик хусусиятига ҳам эга эканлиги аниқланди.

Маълумки, республикамиз мамлакатимизнинг пахта етказиб берувчи асосий базаси ҳисобланади. Илгари пахта чиқиндиси бўлган — шрот, чигит пўстлоқ ва кунжара чорва моллар учун асосий озуқа манбаи ҳисобланиб, у билан сурункали боқилган моллар госпитолдан заҳарланар эди. Аҳрор Музаффарович раҳбарлигида олиб борилган илмий-текшириш ишлари шуни кўрсатдики, сувўтлари, айниқса хлорелла ва сценедесмус моллар учун тўйимли озуқа бўлиш билан бирга, уларнинг госпитол билан заҳарланиши олдини олишда энг самарали восита экан. Ҳозир республикамиз хўжаликларида 400 дан зиёд хлорелла етиштириладиган мослама ишлаб турибди. Тошкент область «Рассвет» совхозидаги ва Самарқанд область Каттақўрғон районлараро бўрдоқичилик комплексларидаги хлорелла ўстирадиган мосламалар республикамиздагина эмас, балки Иттифоқимизнинг бошқа жойларида ҳам маълум. Бундай қурилмалар Россия Федерациясининг қатор область ва ўлкаларида, Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи ва Закавказье республикаларида ҳам қурилмоқда.

Бу борадаги ишларга ҳам Аҳрор Музаффарович бевосита раҳбарлик қилиб турибди. У киши бошчилигида тинимсиз олиб борилган илмий изланишлар натижасида сув ўтларининг янгидан янги хоссалари аниқланмоқда. Яшил ўтлардан ипакчиликда ҳам фойдаланиш имкони туғилди. Хлорелла суспензияси сепилган тут барги билан боқилган ипак қурти маҳсулдорлиги 20—25 процент, пилла сифати 1,5—2 баравар ортди. Бундан ташқари ипак қурти турли касалликларга чидамли, иштаҳаси яхши бўлиб, икки-уч кун илгари пилла ўрай бошлайди. Бу эса республикамизда ҳар йили миллион сўмлаб қўшимча даромад олиш имконини беради. Аҳрор Музаффаровичнинг бу соҳадаги илмий ва амалий ишлари «Хлорелла» деб номланган асарида ўз аксини топган. Бу асар учун Аҳрор Музаффаровичга Т. Таубоев ва бошқалар билан биргаликда 1979 йили Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти берилди. Кейинги пайтда сув ўтларининг яна айрим хоссалари аниқланди. Хлорелла, сценедесмус ва ностоқ деб аталмиш яшил сув ўт суспензиясида ивитиб экилган чигит, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари анча барвақт ҳосилга киради, гектар бошига ҳосилдорлик 3—4 центнердан ошади. Бундан ташқари бу ўсимликлар касалликларга ҳам анча бардошли бўлиб қолади.

Олим сув ўтларнинг систематикаси, биологияси, тарқалиши ва халқ хўжалигида қўлланишига доир 150 дан зиёд илмий асар муаллифидир. Илмий изланишлари 20 дан ортиқ авторлик гувоҳномаси билан тақдирланган. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Микробиология институтидек катта илмий даргоҳга раҳбарлик қилиш билан бирга у жамоат ишларида ҳам фаол қатнашмоқда. Аҳрор Музаффаров рус тилида чиқадиган «Ўзбекистон биология журнали»нинг бош муҳарриридир. Шу ўринда унинг бутун умрини биология фанини ривожлантиришга бахш этганлигини эслатиш лозим. Бевосита унинг раҳбарлигида учта фан доктори ва йигирмага яқин фан кандидати етишиб чиқди. Устознинг шогирдлари фақат Иттифоқимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам ўз илмий фаолиятини давом эттирмоқда. Унинг шогирдларидан вьетнамлик Зиони Дик Тиен — биология фанлари доктори, Ханой университетининг тубан ўсимликлар кафедрасида мудир, ҳиндистонлик Саксена Прокаш Нарайн—биология фанлари кандидати, Лакхнау ботаника боғида илмий ходим.

Аҳрор Музаффаров Ўрта Осиёда биология фанининг ташкилотчиларидан бири сифатида ҳам машҳурдир. Улкан олим регион сувўтшунослик мактабини яратди. Устознинг биология фанини ривожлантиришдаги хизмати ва ижтимоий фаолияти партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак тақдирланган. Унинг кўксини Ленин, Октябрь революцияси, «Ҳурмат белгиси» орденлари ва медаллар безаб турибди. Шунингдек, у Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари, Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг олтин медали, «СССР ихтирочиси» каби ўнлаб нишонлар билан тақдирланган. Аҳрор Музаффаровича «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилган. Сув ўтларининг мўъжизакор кучини кашф этган атоқли олим фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга янада баракали ҳисса қўшишига ишонамиз.

Ж. ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биология бўлимининг академик секретари, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.
Р. ШОЕҚУБОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Микробиология институтининг катта илмий ходими, биология фанлари кандидати.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА — 40 ЗАРБДОР ҲАФТА

АНЪАНАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИБ

Андижон локомотив депосидан Владимир Жўраев тепловози комсомол-ёшлар экипажи Улуғ Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига хотира вахтасида туриб, тежамкорлик шахсий ҳисобини очди. Ёш темирйўлчилар 40 зарбдор ҳафта мобайнида бир ярим минг литр ёқилғини тежаш ва 1985 йил 9 май куни ана шу ёқилғи билан 25 вагондан иборат составни Андижон—Жалолобод маршрути билан ҳайдаб бориб, қайтариб келтириш мажбуриятини олдилар.

50 та локомотив бригадаси комсомолларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Масалан, Шавкат Раҳимовнинг комсомол-ёшлар экипажи ҳам Ғалаба куни тежалган ёқилғи билан составларини ҳайдашга қарор қилди, Камолиддин Мирзаолимовнинг ремонт бригадаси эса зарбдор вахтада меҳнат унумдорлигини 6 процент ошириш, ремонт ишлари таннархини 4 процент камайтириш мажбуриятини олди.

Депо ветеранлари Николай Антонов, Убайдулла Ҳасанов, Иван Арабов, Макар Шербин ва бошқалар мўлжалдаги марраларга эришишда темирйўлчиларга катта ёрдам бермоқдалар. Улар бой тажрибаларини комсомоллар билан баҳам кўрмоқдалар, областдаги кекса коллективнинг меҳнат анъаналари ҳақида гапириб бермоқдалар.

(ЎзТАГ).

ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИДА МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ—ЮБИЛЕЙГА

ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ — ҚИРҒИЗИСТОН, ТОЖИКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИ УЧУН БУ ЙИЛ ЮБИЛЕЙ ЙИЛИДИР. УЛАР ҚИРҒИЗИСТОН ССР ВА ҚИРҒИЗИСТОН КОМПАРТИЯСИ, ТОЖИКИСТОН ССР ВА ТОЖИКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ҲАМДА ТУРКМАНИСТОН ССР ВА ТУРКМАНИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАЙДИЛАР. ҲОЗИР БУ РЕСПУБЛИКАЛАРДА ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ВАХТАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

ҚИРҒИЗИСТОН

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

● «Янгиер» совхози Сокулук районидаги энг илғор хўжаликлардан биридир. Совхоз меҳнаткашлари айни кунларда Қирғизистон ССР ва Қирғизистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига мусобақани кун сайин қизитмоқдалар. Чорвадорлар қишловга зўр тараддуд кўришяпти. Улар 8646 тонна пичан тайёрладилар. Пландаги 4600 тонна ўрнига 8514 тонна сенаж бостирилди.

Чорвачилик фермаларининг аъзолари ҳам қувонарли натижаларни қўлга киритмоқдалар. Давлатга сут топшириш бўйича етти ойлик план муддатидан илгари бажарилди.

ТОЖИКИСТОН

ПЛАНГА ҚЎШИМЧА

● Гарм районининг меҳнаткашлари юбилей йилида қувончли ютуқларга эришмоқдалар. Районда ем-хашак тайёрлаш бўйича план бажарилди. 50 минг тоннадан кўп пичан ва силос бостирилди. Планга қўшимча камида 20 минг тонна дағал хашак тайёрлаш учун мусобақа қизитиляпти.

«Ҳаёти нав» совхозининг А. Баҳоров бошлиқ бригада аъзолари беда ўримини яхши ташкил этдилар. Гектаридан 70 центнердан ҳосил олинди. «Тожикистон 40 йиллиги», «Яхакпаст-1» совхозларида ҳам мўл-кўл озуқа жамғариляпти. Бу совхозларда ҳозирнинг ўзидаёқ планга нисбатан 1,5—2 баравар кўп озуқа тайёрлаб қўйилди.

ТУРКМАНИСТОН

МАРРАДАН ЎЗИБ

● Республика энергетиклари катта зафар қучишди: йил бошидан буён 6 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қилинди. Меҳнат унумдорлиги пландан ташқари 1,8 процент ортди. Бу — Туркманистон республикаси халқ хўжалигининг эҳтиёжини қондирибгина қолмай, Ўрта Осиё ягона энергия системасига икки миллиард киловатт-соат нур бериш имконини яратди.

Мари ГРЭСи коллективи бу муваффақиятга салмоқли ҳисса қўшди. Бу йил ишлаб чиқарилган электр энергиянинг 75 проценти шу ГРЭСда ҳосил қилинди.



КПСС XXVI съезди қарорларига мувофиқ Туркманистонда азот ўғитлари тайёрлайдиган замонавий комплекс бунёд этилмоқда. Янги қувватларнинг ишга тушиши далалардаги ҳосилдорликни оширишга кўмаклашади. Суратда: кучсиз азот кислотаси ва аммиак селитраси тайёрлайдиган комплекс қурилишида.
С. Розиев фотоси (ТАСС).

Чет элларда
ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК

Американинг жамоат ташкилотлари, таниқли сиёсий арбоблари президент Рейганнинг СССРни «қонундан ташқари» деб эълон қилинганлиги ва «беш минутдан кейин бомбардимон қилина бошлайди» деб айтган ғаламисликдан иборат гапларига қарши ғоят кескин норозилик билдирмоқдалар ва унинг бу гапларини давлат бошлиғи ҳақиқий қайфиятининг ифодаси деб ўринли баҳоламоқдалар.

Норозилик кампаниясида АҚШ қонун чиқарувчи олий органининг аъзолари ҳам иштирок этмоқдалар. Конгресс аъзоларидан Э. Марки ва Д. Эдвардс конгрессда тарқатган мактубда таъкидланадики, Рейганнинг айтган гаплари ҳозирги маъмурият «телбаликка — Совет Иттифоқи билан ядро уруши чиқаришга ошкора тайёр эканлигини билдираётганлигидан» далолат беради. Қонун чиқарувчилар конгресс аъзоларини президент номига юбориладиган мурожаатномага имзо чекишга даъват этадилар. Мурожаатномада президент ҳаммага ошкора равишда ўз сўзини қайтариб олиши талаб қилинади.

«АҚШ президенти сифатида сизнинг зиммангизга ўз қўлами жиҳатидан ғоят катта масъулият юклатган. Сиз цивилизацияни тугатишга қодир бўлган ядро қуролларига қўмондонлик қилмоқдасиз. Ўз халқимиз орасида бўлгани сингари иттифоқчиларимиз орасида ҳам сиз Совет Иттифоқи билан ядро уруши чиқаришга тайёр эканлигингиз муносабати билан жиддий ҳавотирлик мавжуд. Сиз шунчаки ҳазил деб айтган гапингиз иттифоқчиларимизни даҳшатга солади ва афсуски, уларнинг жуда хавотирда эканликларини тасдиқлайди».

Конгрессда ТАСС мухбирига маълум қилишларича, Рейганга юбориладиган мурожаатномага ҳозирнинг ўзидаёқ конгресс аъзоларидан 15 киши имзо чекди.

СССРнинг Вашингтондаги элчихонасига америкаликлар ҳамон телефон қилиб, хат юбориб турибдилар. Улар Рейганнинг қасддан қилган ва ғаламисликдан иборат бўлган қилиғи учун узр сўрамоқдалар ҳамда бу ивгорона гапларга қўшилмасликларини билдирмоқдалар.

(ТАСС).

БРЮССЕЛЬ

РЕЙГАННИНГ ҚИЛИҒИ ҚОРАЛАНДИ

Бельгия Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси АҚШ президенти Р. Рейганнинг кейинги қилиғини қатъиян қоралади. Бельгия Компартиясининг раҳбарлик органи бу ерда эълон қилинган ахборотда АҚШнинг Европадаги НАТО иттифоқчилари халқаро ишларда тобора кўпроқ Вашингтоннинг ҳукмига бўйсунаётганликларини таъкидлайди. Бельгия коммунистлари Ғарбий Европадаги баъзи бошлиқларнинг хатарли калтабинликларига эътиборни жалб қиладилар. Ана шу бошлиқлар «Европа халқларининг ҳаётий манфаатларини, қолаверса уларнинг яшашини ҳам Америка қонунларини ҳар қандай қилиб бўлса-да, дунёга тиқиштиришга уринаётган кимсаларнинг миясида вужудга келаётган ҳавотирли хом хаёлларга боғлиқ қилиб қўймоқдалар».

Бельгия Компартияси тараққийпарвар кучлар Оқ уй ҳозирги маъмуриятининг масъулиятсиз авантюраларига мамлакатнинг жалб этилишига тўсқинлик қилишлари керак, деб таъкидлади.

(ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

НАМИБИЯНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ

БМТнинг Намибияга доир кенгаши ЖАР ирқчилари босиб олган шу мамлакатнинг табиий ресурсларини ҳимоя қилиш проблемалари юзасидан Женевада регионал симпозиум ўтказади.

Ғарбий Европа мамлакатларининг вакиллари иштирок этадиган семинар шу йил 27 августдан 31 августгача бўлиб ўтади, дейилади Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қароргоҳида тарқатилган хабарда. Кенгашнинг биринчи декретига риоя этиш тўғрисидаги масала симпозиумнинг асосий мавзуи бўлади. Кенгаш ана шу декретда Намибиянинг табиий бойликларини талон-торож этиш қонунга хилоф эканлигини эълон қилган эди.

Кенгаш шуни қайд этадики, Африка жанубида вужудга келган аҳвол шошилинч равишда аралашувни талаб этади, чунки, Ғарбий Европа монополиялари БМТ қарорларига ва халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳамон дағдаға қилиб келмоқдалар. БМТ қарорлари ва халқаро ҳуқуқ нормалари Намибиянинг табиий бойликларини талашни ўзгалар бойлигини ўғирлаш билан баравар деб ҳисоблайди.

* * *

«ЎТМИШГА НАЗАР ТАШЛАМОҚДАЛАР»

Демократик партиядан АҚШ вице президентлигига номзод Ж. Ферраро хоним ҳозирги маъмуриятнинг маориф соҳасидаги снёсатини кескин танқид қилди.

У Америка ўқитувчилари федерациясининг бу ерда ўтказилаётган съезди қатнашчилари ҳузурида сўзга чиқиб, шуни таъкидладики, Оқ уй кўрган чора-тадбирлар натижасида ўқувчиларга ёрдам программалари анча қисқартирилди, федерал ҳукумат маориф эҳтиёжлари учун маҳаллий ҳокимият органларига берадиган маблағлар камайтирилди. Ж. Ферраронинг сўзларига кўра, ҳозир республикачилар «келажак тўғрисида ўйлаш ўрнига ўтмишни улуғлаш» билан шуғулланмоқдалар.

* * *

ЯНГИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК ҚОРАЛАНДИ

БМТнинг мустамлакачиликни тугатиш комитетида Қўшма Штатларнинг Пуэрто-Рикога нисбатан ўтказаётган янги мустамлакачилик сиёсати кескин танқид қилинмоқда. Бу комитетда кўпдан кўп жамоат ташкилотларининг петиция берган вакиллари айтаётган арзлар тингланмоқда.

Пентагон Пуэрто-Рикода жуда кўп ҳарбий базалар ва энг янги қурол-яроғ системаларини синаш учун полигонлар барпо этди, у ерда доимо ҳарбий машқлар ўтказиб турибди. Оролнинг ҳарбийлаштирилиши, деди Пуэрто-Рикодаги ташкилотлардан бирининг вакили Р. С. Пералта, Рейган маъмуриятига Кариб ҳавзасидаги ҳарбий кучларни кўпайтириш, оролни Марказий Америкада агрессияни амалга ошириш учун таянч базасига айлантириш имконини беради. Бунда АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси муҳим роль ўйнамоқда. МРБ Пуэрто-Рико территориясида ёлланган сотқинларнинг шайкаларини тузиб, уларни Никарагуа революцион ҳалқига қарши қўпорувчилик ишлари қилишга тайёрламоқда.

(ТАСС).

МУРАККАБ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ, 24 август. (ТАСС). Ливандаги вазият ҳамон мураккаб бўлиб турибди. Мамлакатнинг катталиги жиҳатидан иккинчи шаҳри — Триполида шиддатли жанглар натижасида 100 дан ортиқ киши ўлди ва 300 дан зиёд киши жароҳатланди. Улар орасида тинч аҳоли ҳам бор. Шаҳарда «Ислом бирлиги ҳаракати» ва араб демократик партияси бўлинмалари ўртасида ўқтин-ўқтин отишмалар давом этмоқда.



Ливан ҳукумати мамлакатда ҳаётни нормаллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрмоқда. Бу сурат Ливан матбуотидан олинган бўлиб, унда Байрут кўчаларидаги шу кунги аҳвол тасвирланган.

ТАСС фотохроникаси.

РАНГ-БАРАНГ ✻ ОЛАМ ✻

ТУФОН ОҚИБАТЛАРИ

Япон денгизининг марказидан шимолга қараб келаётган тўфон Японияннинг ғарбий районларида ҳаво ва денгиз қатновини батамом издан чиқарди. Тўфон вужудга келтирган жала кўпгина алоқа линиялари ва транспорт коммуникацияларини бузди. Айрим жойларда шамолнинг тезлиги секундига 30 метрга етди. Ўтган суткалар давомида Япон денгизи соҳилидаги префектураларда 100 миллиметрдан 300 миллиметргача қалинликда ёмғир ёғди. Қурбонлар ҳақида хабарлар олинмоқда.

БЕНЗИН ЎРНИГА «КАРБЮРОЛЬ»

Мали пойтахтининг автомобилчилари келаси йилдан бензин ўрнига «Карбюроль»дан фойдаланадиган бўладилар. Чунки бензин харид қилиш мамлакат импорт харажатларининг катта қисмини ташкил этади. «Эссор» газетасининг ёзишича, «Карбюроль» одатдаги бензин билан Малида шакарқамиш, шоли, ерёнғоқ ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини қайта ишлашдан ҳосил бўладиган чиқиндилардан ишлаб чиқариладиган спирт аралашмасидан иборат. «Карбюроль»дан фойдаланиш мамлакатга чет эл валютаси ҳисобида анчагина маблағни тежаш имконини беради.

дала ишлари КУНДАЛИГИ

МУЛ ҲОСИЛ УСТАЛАРИ

Пахтакор оила

Косон районидаги Акмал Икромов номли совхозининг Тоштурди Жумаев бошлиқ бригадаси аъзолари бир неча йилдирки пахтадан мўл ҳосил етиштириб келмоқда. Аҳил коллективнинг кўпчилиги Тоштурди аканинг оила аъзоларидир.

Тоштурди Жумаевнинг кўкрагини Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари безаб турибди. Республика Олий Советининг депутати, хўжаликда пахтачилик бўйича ташкил этилган илғор тажриба мактабининг раҳбари. Бригада аъзолари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи шарафига гектар бошига 60 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашда бу йил ҳам илғорликни қўлдан беришмаётир.

Мавжуд 100 гектар ерга экилган «АШ-25» навли нигичка толали пахта ғўзаси яшнаб ўсмоқда. Парвариш ҳам ёмон эмас. Ҳар бир тадбир агротехника қоидалари асосида амалга оширилмоқда. Ҳозирга қадар ғўзалар беш марта ишловдан чиқарилди. Уч марта суғорилди. Ғўзага ишлов беришда пешқадам механизатор Салом Шукуров, Абдухалил Тошмуродовларнинг ғайратшижоати таҳсинга лойиқдир. Оила аъзоларидан Бозор Жумаев, Холиқул Жумаев, Бойназар Ҳусанов, Бахтиёр Хўжаёров сингари миришкор сувчилар ғўзага обиҳаёт тарашда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Бригадирнинг турмуш ўртоғи Ойша опа Жумаева Қаҳрамон она. Ун бир фарзандни тарбиялаб вояга етказмоқда. Уларнинг кўпчилиги бугунги кунда ота-оналари билан елкама-елка туриб ишлашмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚЎРИҚ САХОВАТИ

Навоий районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозининг ерлари бундан ўн йил муқаддам қақроқ даштэди. Ўтган йиллар мобайнида чўлқуварлар уни минглаб тонна ҳосил берадиган боғ-роғларга айлантирдилар.

— Соҳибкорларимизнинг ғайрати туфайли бу йил ҳар қаричонгидан мўл ҳосил етиштирилди, — дейди совхоз директори Ҳамро Қодиров.—Биз дастлабки ҳосилни, энг аввало қардошларимиз дастурхонига жўнатяпмиз. Шу кунгача Иркутск, Ленинград, Москва шаҳарларига 317 тоннадан зиёд узум жўнатдик. Тез кунда бошқа саноат шаҳарларига яна 400 тонна чўл неъмати етказиб берамиз.

Совхоз коллективи бу йил давлатга 1300 тонна узум топшириш мажбуриятини қабул қилган эди. Яқинда соҳибкорлар имкониятларини қайтадан ҳисоблаб чиқишиб, яппи ҳосилни 2 минг тоннага етказишга қарор қилишди. Бу уларнинг республикамизнинг 60 йиллик юбилейига муносиб меҳнат совғалари бўлади.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КЎСАКЛАР ОЧИЛМОҚДА

Термиз районидаги «Гулбаҳор» совхозининг коммунист Ражаб Абдалов раҳбарлик қилаётган илғор бригада далаларида кўсаклар очила бошлади. Миришкорлар айни кунларда экин парвариши суръатини сира бўшаштирмай давом эттиряптилар. Сувчилардан А. Сафаров, Э. Султоновлар меҳнатда бошқаларга ўрнак кўрсатиб, механизаторлар билан ҳамкорликда ишламоқдалар.

Заршунослар юбилей йилида ҳар гектар майдондан камида 45 центнердан ингичка толали пахта етиштириш мажбуриятини олишган.

Шунингдек, Жарқўрғон районининг Боботоғ этакларида жойлашган қўриқ хўжалик — «Жарқўрғон» совхози далаларида ҳам кўсаклар очила бошлади.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭРТАГА – СОВЕТ КИНОСИ КУНИ

РОМАНДАН ЭКРАНГА

Кўп сонли адабиёт мухлислари таниқли ёзувчи Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб» романини яхши билишади. Ана шу асар асосида тайёрланган телеспектакль санъат ихлосмандларига манзур бўлди. Ғоят муҳим мавзу — янги пахта навини яратиш устида иш олиб бораётган селекционер олимларнинг изланишлари тўғрисида ҳикоя қилувчи мазкур роман киношуносларни ҳам тўлқинлантирди. Кинодраматург Анатолий Галиев «Гирдоб» асосида «Яккама-якка» номли сценарий ёзди. Уни «Ўзбекфильм» киностудиясида режиссёр Ғиёс Шермуҳамедов экранлаштирмоқда.

У томошабинларга «Ташвишли балоғат ёши», «Умр», «Учқур тулпор изидан» фильмлари орқали яхши таниш. Шунингдек у республика «Наштар» сатирик киножурналининг актив муаллифларидан ҳисобланади.

— Китобхонлар ва телетомошабинлар яхши билганидек, картина қаҳрамонлари янги пахта навини яратиш устида астойдил иш олиб борган селекционерлар — дейди режиссёр Ғ. Шермуҳамедов. — Лекин фильмни фақат пахтачилик илми юзасидан қўлга киритилган ютуқлар мажмуаси деб ўйламаслик лозим. Зеро, биз бу соҳадаги эришган муваффақиятларимиз билан ҳақли равишда фахрланса ҳам.

Кино биринчи навбатда кишилар ўртасидаги муносабатни, конфликт ва характерни ўрганади. Шу боисдан ҳам биз фильм орқали илм-фан соҳиблари ўртасидаги маънавий-ахлоқий масалаларни тасвирлашга ҳаракат қиляпмиз. Улар орасида ҳали ҳам шуҳратпарастлик, кўзбўямачилик, манманлик каби замонамиз кишиси характерига зид бўлган иллатлар мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Бўлажак киноасарда ҳақиқий фан учун курашувчи, ўз ишига содиқ, ҳақиқатгўй, отащқалб, фидойи олимларимизнинг иш фаолияти, ҳаётлари акс этади.

Картинадаги бош қаҳрамон ёш олим Азиз Қосимов ролини иқтидорли актёр Шавкат Ғозиевга ишониб топширганмиз. Характерли образ ҳисобланган Маҳамат чатоқ ролини севимли санъаткоримиз Пўлат Саидқосимов талқин этяпти. Фильмда Ҳамза Умаров, Ота Муҳаммаджонов, Гулчеҳра Жамилова, Мурод Ражабов каби таниқли актёр ва актрисалар ҳам қатнашмоқдалар. Рассом Қаҳрамон Нуриддинов асар руҳига мос безаклар ишламоқда. Композитор Румиль Вильданов оригинал куйлар ёзяпти. Фильмнинг оператори Ҳотам Файзиевдир.

А. АЛИЕВ



СУРАТДА: «Яккама-якка» бадиий фильмидан бир кадр. Саидқосимов, Азиз Қосимов — Шавкат Ғозиев. Маҳамат чатоқ ролида Пўлат Т. МАНСУРОВ фотоси.

Ольга Александровна ЧЕРНОВА

Ўзбекистон театр санъати оғир жудоликка учради. Ўзбекистон ССР халқ артисти, А. Н. Островский номидаги Тошкент театр-рассомчилик институтининг профессори Ольга Александровна Чернова 61 ёшида фожиали ҳалок бўлди.

О. А. Чернова 1924 йилда Челябинск областининг Троицк шаҳрида туғилди. 1949 йилда Тошкент театр-рассомчилик институтининг актёрлик факультетини, 1958 йилда режиссерлик факультетини тугатди. Ўз ижодий фаолиятини мазкур олий ўқув юртида актёрлик маҳорати педагоглигидан бошлади. Кейинги йилларда М. Горький номли Тошкент рус академик драма театрининг постановкачи-режиссери, бош режиссери бўлиб ишлади. 1984 йилдан бошлаб у Ҳамза номли ўзбек давлат академик театри режиссерлик коллегиясининг аъзоси эди.

Катта ва ёрқин истеъдод эгаси бўлган санъаткор ўзининг толмас илҳомбахш ижоди билан совет саҳна санъатини ривожлантириш ва пропаганда қилиш ишига муносиб ҳисса қўшди. 70 га яқин спектаклни саҳнага қўйди. Улар орасида А. Чеховнинг «Чайка», М. Горькийнинг «Ваҳшийлар», Л. Леоновнинг «Бўрон», Б. Лавреневнинг «Разлом» Б. Брехтнинг «Уч пуллик опера», Ю. Бондаревнинг «Қиргоқ» ва бошқа асарлар бор. Бу саҳна асарлари унга ҳақли равишда шуҳрат келтирди.

Театр-рассомчилик институтининг профессори, драма ва кино актёрлик маҳорати кафедрасининг мудири сифатида саҳна санъатининг ёш кадрларини тайёрлашда кўп ишларни қилди. О. А. Чернова театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун СССР медаллари билан мукофотланган эди. Унга «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвони берилган эди.

Истеъдодли санъаткор, ажойиб дўстимизнинг ёрқин хотираси уни билган, у билан бирга ишлаганлар қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

Ўзбекистон Театр жамияти

А. Н. Островский номли Тошкент театр-рассомчилик институти

М. Горький номидаги Тошкент рус академик драма театри

Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театри.

ЖОНКУЯРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

РАҲБАРДА ЛАФЗ БЎЛСИН

Шарқшунос олим Шорасул Зуниун ўз китоблари, классик адабиёт ва халқ донишмандлигининг ажойиб мероси дурдоналаридан тузилган «Оз-оз ўрганиб доно бўлур», «Тарбия ҳақида донолар фикри» сингари тўпламлари билан машҳур. Айни пайтда бу отахон эл-юрт манфаати йўлидаги жонкуярлиги билан ҳам ҳурмат-эътибор қозонган. Куни кеча у редакциямизда бўлиб шаҳар ҳаётидаги айрим муаммолар хусусидаги фикрларини билдирди.

— Уйғур кўчаси бўйлаб юрган бўлсангиз, ёзги «Космос» кинотеатри ёнидаги майдончага нигоҳингиз тушгандир. Ўтган йили баҳорда шу ерга кўплаб дарахт кўчатлари ўтқазилди. Кўпчилик ер унумдор, сув сероб, экилган нав-ниҳоллар илдиз отиб кетса керак, деб ўйлаганди. Афсус, ундай бўлмади, ҳозир бу ерда ниҳояти яккам-дуккам дарахтлар қолган. Сувсизликдан чанқаб, қовжираб ётибди. Баҳорда йўл ёқалаб каттагина ариқ қазила бошлади. Бундан экин-тикин баҳра олди, деб ўйларсиз? Асло. Ариқдан чиққан шағал-тошлар уларнинг тагини кўмиб қўйди. Ариқ эса ҳамон ўйдим-чуқурлигича, одамлар қатновига ҳалақит бериб ётибди. Хиёбон ачинарли аҳволда. Шу ерлик аҳоли нажот сўраб қатор идоралар эшигини қоқди.

Ниҳоят, бир ойча аввал шаҳар Совети ижрокомига бордим. Ранс Воҳид Охунович Козимов экан. Хушфеъл, маданиятли, илтифотли одам. Арзи-додимни тўкиб солдим. У масала тез орада ижобий ҳал қилинишига сўз берди.

Ижроком раксининг бундай муносабати қалбимга қўёш ёқди! Ҳақиқатан ҳам эртасигаёқ ижрокомнинг ободонлаштириш бош бошқармасидан одамлар келишди. Аҳволни кўздан кечириб, ҳадемай айтганингизда зиёда ишлар қилиб юборамиз, деб ваъдани қуюқ бериб, жўнаб қолишди.

Бетоблигим ва кексалигимга қарамай, шаҳар Советига иккинчи бор ташриф буюрдим. Яна натижа чиқмади. Тўғри, сув сепувчи машиналар кинотеатр атрофидаги дарахтларни суғорган бўлди. Шу билан ишлари битди.

Муродим шаҳримиздаги маъмурий ташкилотлар раҳбарлари шаънига таъналар айтиш, гинахонлик қилиш эмас. Бироқ айрим кишиларнинг қўлидан келадиган ишга бефарқлигидан, табиий бойликларимиз ардоқланмаётганига жоним ачиганидан кўнгил чигилларини ёзиб олгим келди.

Шорасул отанинг қалб сўзлари бизни ўйлантириб қўйди. Уни ташвишга солган муаммо ва бошқа айрим масалалар билан батафсил танишиш учун Ц-26 кварталига йўл олдик. Бу ерда бизни атрофдаги 76-, 79-, 75-, 80-уйлардан Ҳожимурод Одилов, Саъдулла Камолиддинов, Раҳимжон Икромов, Нишонбой Искандаров, Абдусалом Абдирашидов, Худойберди Юнусов, Ғайрат Эминжонов, Фахриддин Муҳиддинов сингари ўртоқлар қарши олди. Улар ўз дарду ҳасратларини баён қилиш учун тўпланишган экан. Кўча ва уйлар атрофини айланиб, Шорасул отанинг эътирозлари ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Дарҳақиқат, тўрт ой илгари кавланган ариқ Уйғур кўчаси бўйлаб транспорт қатновига ҳам ҳалал берар экан. Унинг қайси ташкилот томонидан қазилганлиги ҳам номаълум.

Уй-жойлардан фойдаланиш бошқармалари иши юзасидан аҳоли билдирган эътирозлар ҳам ўринли. Хусусан, ушбу кварталдаги 52-ЖЭК (бошлиғи Усмон Аюпов)ни олайлик. Уйлардаги ремонт-монтаж ва айрим бошқа ишлар учун бошқарма бир йилда 76 минг сўм маблағ сарфлаши керак. Йилнинг ўтган етти ойида эса бу маблағ плансиз равишда деярли сарфлаб бўлинган.

Бошқарма бош инженери З. Юнусовнинг айтишича, бирор метр қувур, ҳатто арзимас кранлар ҳам йўқ эмиш. Нуқсонларни бартараф этиш юзасидан кетмакет тушаётган буюртмалар эса эътиборсиз қолмоқда. Уй ертўлаларида электр лампочкалар йўқ, подъездлар ремонт қилинмайди. Иссиқлик ва сантехника узелларидаги қувурлар шикастланиб, сув оқиб ётибди. Бу ерда аҳоли иссиқ сув билан ҳамма вақт ҳам таъминланяпти, деб бўлмайди. Чиқинди сувлар уй олдидаги ариқларга оқизилмоқда. Бошқарма ходимлари эса санитария-эпидемиология станцияси билан тегишли шартнома тузмаган. 9-уй томидан саккиз-тўққиз йилдан бери чакка ўтиб, квартиралар ремонталаб бўлиб ётибди.

Квартал аҳолиси уйларининг тўққиз йилдан бери кўнгилдагидек иситилмаслигидан зорланишяпти. Ҳадемай қиш киради. Бу масалани ЖЭК даги ўртоқлар жиддий ўйлаб кўришлари керак. Яқиндан бери бошқарма бошлиғи лавозимини вақтинчалик бажариб турувчи З. Юнусовнинг бу ҳолга: «Слесарлар шундай қилмаса, арзимас ойлик учун эртадан кечгача ким ҳам югурарди?», «Бунинг устига берилган штатлар бўйича бизларда ишловчилар етишмайди» дея изоҳ беришини қандай баҳоласа бўлади?

Штат рўйхатига кўра, бошқармада ўттизга яқин ходим бор. Лекин идорада атиги тўрт-беш кишинигина учратдик. Улардан биронтаси ҳам ходимларнинг қаердалигини айтиб беришолмади.

Квартал аҳолиси анчадан буён ободонлаштириш бошқармаси раҳбарларининг йўлига муштоқ. Улар шаҳар ижрокоми раисининг топшириғини бажариш учун бу ерда бир марта кўринишди, холос. Амалий ишдан эса ҳамон дарак йўқ. Одамлар шунисига ҳайрон. Ахир, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида раҳбар ходимларнинг ҳамиша омма орасида бўлиб, унинг талаб-эҳтиёжларини мумкин қадар тез ва соз қондириш ҳақида қайғуриши амалий фаолиятнинг муҳим шарти деб таъкидланган эди-ку?! Ҳар қандай раҳбарнинг обрўси одамлар ҳақида, уларнинг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиши билан ўлчанишини наҳот шаҳар ободончилигига дахлдор ташкилотлар раҳбарлари тушунишмаса?!

Доҳиймиз В. И. Ленин масъул лавозимдаги ҳар бир ходим ўз ишини назорат қилиши, токи айтган сўзи сўзлигича қолиб кетмай, амалий ишларга айланиши лозимлигини уқтирган эди. Чамаси, айрим раҳбар ходимларга бу қоида маълум эмас шекилли.

«Ёшлик» журналининг шу йилги бешинчи сонида ёзувчи Дадахон Нурийнинг «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» мақоласини ҳамма қизиқиб ўқиб чиққан бўлса керак. Муаллиф кўкаламзорлаштириш ишидаги жиддий хато ва камчиликларни жонкуярлик билан танқид қилди. Мақолада мевазор боғларимиз донғини тиклаш ҳақида гап боради. Албатта, бу иш шошма-шошарлик билан, пала-партиш, шаҳардаги манзарали дарахтларни қўпориб ташлаш ҳисобига эмас, балки қақраб ётган ерларда боғ-роғлар яратиш ҳисобига бўлиши керак. Ахир, Юнусобод, Чилонзор, Қорақамиш, Қорасув массивларида дарахт экадиган бўш жойлар жуда кўп-ку! Бас, шундай экан, тегишли идоралар ҳозирданоқ пухта режа тузиб, ишга киришмоқлари лозим.

Республикамиз партия ва ҳукуматининг раҳбарлари яқинда пойтахт бозорларида бўлиб, нарх-навода қатъий тартиб ўрнатишди. Шаҳарликлар ёз неъматларидан баҳраманд бўляпти. Улардан ўрнак олиб, шаҳар, районлар партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари ҳам халқ ичига кўпроқ кириб турсалар яхши бўларди.

Ободонлаштиришга мутасадди ташкилотлар иши ҳақиқатан ҳам кўнгилдагидек эмас. Биргина мисол. Тошкентнинг биз бориб кўрган Ц-26 кварталидаги уйлар оралиғида жойлашган болалар майдончалари йўқолиб, ўрнида ўт-ўланлар, чақир тиканаклар қолди. Табиий, ариқлар эса кўмилиб кетди. Одамлар уй атрофидаги гулзор ва қўлбола боғларни ман этилганига қарамай, водопровод суви билан суғоришга мажбур бўляпти. Ҳолбуки, сал нарироқдаги Кайковус ариғидан шарқираб сув оқиб ётибди. Сув олиб келиш учун атиги 50-60 метр қувур керак, холос.

Бу ишни ҳашар йўли билан қилса ҳам бўлади. Аммо қачонгача мутасадди ташкилотлар вазифасини аҳолининг ўзи бажаради, деган савол туғилиши табиий. Шунда ҳам ҳашар йўли билан гаражлар ёнига асфальт ётқизилди, уйларнинг ертўласидаги кўлмакларни қуритиш учун шу ерда яшовчилардан йиғилган нақд пулга қувур сотиб олинди. Аммо уларнинг қўли ҳаммаёққа етавермайди-да.

Истиқомат жойларидаги рўзғор чиқиндилари вақтида ташиб кетилмаяпти. Ободонлаштириш бошқармаси ихтиёрига бу иш учун салкам 500 та машина ажратилган. Аммо Ишчилар шаҳарчаси, Қорасарой кўчаси, Бешқайрағоч массиви, «Октябрь» ва «Юнусобод» бозори, бошқа бир қанча жойларда ахлат уйилиб ётибди. Чиқиндилар учун махсус идишлар қўйилмаган. Шуниси ғалатики, кўп жойларда «Ахлат ташлаш ман қилинади» деган лавҳалар қўйилган. Одамлар нима қилсин? Тунда хилватроқ жойни топиб, чиқиндиларни ўша ерга тўкишга мажбур бўлмоқда.

Район ва шаҳар Советлари ижроия комитетларидаги раҳбар ходимлар ҳафтада ақалли бир марта ўз территорияларида яшовчи аҳолининг ҳол-аҳволидан хабар олиб туришса ёмон бўлмасди. Бу билан биз шаҳар ва район раҳбарлари оммадан ажралиб қолган, деган фикрда эмасмиз. Асло бундай эмас. Бир вақтлар Тошкент шаҳри дов-дарахтларга сероблиги бўйича жаҳонда иккинчи ўринда турарди. Уй-жойларнинг кўплаб қурилиши оқибатида зарур ва нозарур баҳоналар рўкач қилиниб, кўп мевали дарахтлар кесиб юборилди. Устига-устак катта ариқлар кўмилиб кетди. Лекин ободончиликни асосий бурч деб қаралган жойларда бундай эмас. Пушкин кўчасини олайлик. Консерватория атрофидаги ариқларда сувнинг шарқираб оқаётганидан завқланасиз. Шаҳарнинг марказий кўчаларида гуркираб ўсаётган дов-дарахтлардан баҳри-дилингиз очилади. Бошқа кўпгина жойларда эса ариқлар кўмиб юборилди, сув чиқмаётганлиги учун экинзор, дарахт ва буталар қовжираб ётибди.

Шу муносабат билан бир савол туғилади. Ҳар йили кўкаламзорлаштиришга қанчадан қанча маблағ ажратилади. Уларнинг натижаси қани? Кўчат ўтқазиш ойликларини ҳисобот бериш, рақамларни пеш қилиш учун эмас, шаҳримизни чинакамига ободонлаштириш учун ўтказишни одат қилиб қўйсак бўлмайдими?! Беихтиёр яна бошқа муаммолар ёдга тушади. Айтайлик, телефонингиз бузилиб қолди, водопровод ёки канализация ишдан чиқди, «тез ёрдам»га мухтож бўлиб қолдингиз. Бундай вазиятда ўзингизни қаерга қўйишни билмай, хунобингиз ошиб кетади. Хизмат кўрсатишнинг бу тармоқларида ҳам узил-кесил қатъий тартиб ўрнатиш пайти келди.

Тўғри, бу масалалар шаҳар, район Советлари ижроия комитетларидаги даҳлдор ўртоқларнинг эътиборида. Лекин улар шу соҳалардаги тегишли ташкилотларга кўрсатма бериш билан ўз бурчларини бажардик, дея ҳисоблайдилар шекилли. Бу ташкилотлар эса топшириқларнинг бажарилишига кўпинча бефарқлик билан ёндашадилар.

Жамиятимизда умумий иш учун ҳамма бирдек жон куйдириши керак. Социалистик турмуш тарзимизнинг асосий моҳияти «Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун» деган шиорда акс этганлиги бежиз эмас. Шу ўринда Катта Фарғона канали қурилиши сингари умумхалқ ҳашарларини эслагимиз келади. Ана шу меҳнат жангу жадалларида партия ва совет органларининг раҳбарлари керак бўлса қўлига кетмон олиб, ҳашарчилар билан елкама-елка туриб ишлашган...

Эндигина атак-чечак қилаётган болага илгарилари кўчат ушлатиб эктирардик. Чунки юртни обод қилишдек эзгу ният унинг онгига, қалбига сингсин, ҳаётда ўзидан из қолдирсин, дердик. Афсуски, ҳозир бу эзгу анъаналар унутилиб кетаяпти. Уларни тиклаш кўп жиҳатдан раҳбар ибратига, ташаббускорлигига боғлиқ. Зотан, меҳнат кишиси тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчидир.

О. БОБОЖОНОВ,
Т. УНАБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

● СПОРТ ● СПОРТ ●

«ДЎСТЛИК-84»:

ЯНА БИР ОЛТИН

Рекордлар, медаллар, олқишлар... Дўстлик, ёшлик ва тинчлик. Халқаро мусобақа иштирокчилари ўртасида ана шундай кўтаринкилик, байрамона кайфият, самимият руҳи ҳукмрон. Лос-Анжелес Олимпиадаси мусобақаларини ёритган журналистлар москвликларнинг ўзига хос меҳмонадўстлиги, хайрихоҳлигини эътироф этмоқдалар. Ғолиблик учун кураш эса тобора кескин тус оляпти.

Мусобақада муваффақиятли куч синашаётган республикамиз спортчилари СССР терма командаси ғалабасига ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқдалар. Чунончи, йирик мусобақада илк бор қатнашган тошкентлик гимнастикачи Ирина Бараксанова командадошларининг ғалабасига ўз ҳиссасини қўшиб, кўксига олтин медаль таққани ҳақида хабар қилган эдик. Куни кеча Куба пойтахти Гаванадан хушхабар келди. Бу ерда ватерполчилар мусобақасида учрашувларни мағлубиятсиз ўтказган совет сув тўпи усталари бешинчи ўйинда Куба «А» коллективини енгиб (8:7), ўнта очко жамғарган ҳолда биринчи ўринни қўлга киритишди. Олимпиада, жаҳон ва Европа чемпионлари, жаҳон кубогини икки марта қўлга киритган совет ватерполчилари «Дўстлик-84» халқаро мусобақасининг ғолиби бўлишди. Бу ютукда СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери тошкентлик Эркин Шагаевнинг муносиб улуши бор. Шундай қилиб, яна бир вакилимиз халқаро мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди.

СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери номини олган тошкентлик Лариса Белоконнинг 200 метрга брассча сузишда олтин, 100 метрли масофада бронза медалларини олгани мухлисларга маълум. Лариса 4х100 метрга мураккаб усулда сузишда ҳам ҳамроҳлари қатори иккинчи натижа кўрсатиб (4 мин. 09,63 сек), кумуш медали олди. Вакилларимиз чим хоккей, бокс бўйича баҳсларда ҳам медалларга даъвогар бўлиб туришибди.

● ФУТБОЛ: Олий лига командалари 24-тур ўйинларини ўтказишди. «Динамо» (М) — «Пахтакор» учрашуви 5:0 ҳисобида тугади. Ҳозир «Зенит» 32 очко билан олдинда бормоқда. Торпедочилар 29, Днепр 28 очко билан иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб туришибди.

Редактор ўринбосари
А. НАБИХУЖАЕВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

КАМАЛАК РАНГИНИНГ ЖОЗИБАСИ

ШОЙИ ГАЗЛАМАЛАРДА КАМАЛАК РАНГИНИНГ БАРЧА ЖИЛОСИ МУЖАССАМ.

Чиндан ҳам уларнинг нақшин гули ва бўёғи қуёш тиғида ял-ял товланади. Ёрқин гули, кўзни қувонтирадиган ранги, гулининг аниқ ва геометрик чизмаси, мураккаб шарқона нақши, бундан ташқари ўзига хос башанглиги кишининг диққатини жалб этади.

Бу газламалар ёзги либослар учун жуда ҳам муносиб. Шойисимон ялтироқ бўлганидан ҳар қандай кўйлаклар: маросимлар, ишбоп, оқшомги, очиқ сарафан ёки халат тикиш учун мос бўлади.

Дид билан ёндошилса шойи газламадан чиройли либосларни тиктириш мумкин. оқилона танланган гул, фасон либосни ғоятда ғўзал қилади.

Савдо ташкилотларининг раҳбарлари диққатига!

«УЗТЕКСТИЛЬТОРГ» РЕСПУБЛИКА КОНТОРАСИНИНГ БАРЧА БАЗАЛАРИДА

сунъий синтетик ва табиий шойи-газламаларнинг ранг-баранг ассортименти етарлича бор.

«УЗТЕКСТИЛТОРГ» РЕСПУБЛИКА КОНТОРАСИ (телефон 35-53-24.)

СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/VIII да **Олтин девор**, 28/VIII да **Юлдузли тунлар.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«ИНТЕРЦИРК-84»** чет эл цирк артистларининг томошалари (12, 16, 19.30).

ЎЗБЕКИСТОН ХОРЕОГРАФИЯ БИЛИМ ЮРТИ

26—31 август кунлари

ҚЎШИМЧА РАВИШДА БАЛЕТ АРТИСТИ БЎЛИМИГА

3-синфни битирган 9—10 ёшдаги ўғил болаларни

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ СОАТ 10 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Педагогика кўчаси, 31-уй (3, 11-троллейбуслар; 97-автобуснинг «Баранов кўчаси» бекати).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

26 АВГУСТ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.35 — Будильник. 10.05 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.05 — Здоровье. 11.50 — Тонгги почта. 12.20 — Совет тупроғидаги учрашувлар. 12.35 — Халқаро дўстлик мусобақаларида. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Музикали киоск. 15.00 — Болалар учун фильм. 16.15 — Саёҳатчилар клуби. 17.15 — Бугун — Шахтёрлар куни. 17.45 — Табрикларимизни қабул этинг. 18.30 — Халқаро панорама 19.15 — Шерлок Холмс ва доктор Ватсон. Бадиий фильм 1- ва 2-серияли. 21.30 — Время. 22.05 — Мусобақалар кундалиги. 22.20 — Москва саҳнаси усталари.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядка-га сафланинг! 9.20 — Фильм-концерт. 9.30 — Рус тили. 10.00 — РСФСР халқ артисти А. Тихонов Н. Осипов номидаги Давлат академик рус халқ оркестри жўрлигида ижро этади. 10.30 — Илмий-оммабоп фильм. 10.40 — П. И. Чайковский. 5-симфония. 11.30—Ҳайвонот оламида. 12.30 —Концерт. 13.00 — Ҳужжатли фильм. 13.30 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 14.00 — Халқаро дўстлик мусобақаларида 16.00 Француз шансонъелари куйлайди. 16.50—Кинотомошабин ҳамроҳи. 17.35—Мультфильм. 17.55 —Мардлик. Етти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 19.05 — Концерт. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Боржом лавҳалари. 21.00 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 21.30 — Время. 22.05 — Уни Роберт деб аташарди. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.25 — Саломат бўлинг. 10.55 — Касби — киноактёр. Бадиий фильм. 12.30 — Қуйноқ стартлар. 13.40 — Ёшлик. 14.25 — Онамларнинг мактаби. 14.55 — Ҳаёт каби тирик. 15.25 — Реклама. 18.00 — Мультфильмлар программаси. 18.30 — Бойчечак. 19.00 — Бугун — Шахтёрлар куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Цирк, цирк, цирк. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Оловли йўллар. Фильм давом этади. Кинокўрсатув.

27 АВГУСТ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Концерт. 10.25 — Болалар учун фильм. 11.35 — Табассум билан. Киноконцерт. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.45 — СССРнинг музикали фольклори. 16.10 — Горичилар, қаердасиз! 16.40 — Онамларнинг мактаби. 17.15 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 17.45 — Ҳужжатли-манзарали фильм. 17.55 — Катта педсовет. 18.25 — Рус композиторларининг вокал дуэтлари. 18.45 — Ишлар ва одамлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Совет киноси кунига. 19.50 — Шахсий ҳаёт. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05— Халқаро Дўстлик мусобақалари. 00.20 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Телефильм. 9.40 — Будильник. 10.10 — Телефильм. 10.35 — Рус тили. 11.05 — Фан ва турмуш. 11.35 — Поэзия. 12.05 — Тракторчилар. Бадиий фильм. 13.25 — Концерт. 13.50 — Бўрилар орасида ёлғиз. Бадиий фильм. 1-серия. 15.05 — Фильм-концерт. 15.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Концерт. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45— Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.05 — Телеспектакль.

ТОШКЕНТ-I. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Ўсмир ва қонун. 19.00 — Фильм-концерт. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Бир асар тарихи. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ақл-идрок хурофотга қарши. Видеофильм. 22.50 — Сержило экран.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 15.30 — МОСКВА-II. 18.30 Чинор. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.20 — Киножурнал. 19.30 — Врач маслаҳати. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Кинопрограмма. 21.30 — МОСКВА-II.

РАДИО

26 АВГУСТ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Микрофон олдида таниқли ижрочилар. 9.15 — Табассум. 11.30 — Концерт-очерк. 12.10— Ишчинома. 13.30 — Музикали программа. 18.15 — Халқаро кундалик. 18.30 — Дўстларимиз қўшиқлари. 19.25 — Ёшлик. 20.50 — Бутун умрини фанга бағишлаб. 21.00 — Табассум. 22.30 — Шахтёрлар учун концерт.

27 АВГУСТ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Ғижжак ва оркестр ижроси учун концерт 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 10.15 — Ж. Абдуллаховнинг «Эркакка хос вазифа». 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Йиғим-теримга пухта тайёрланайлик. 18.15 — Халқаро кундалик. 18.30 — Музикали танаффус. 19.25 — Фортепьяно пьесалари. 20.50— Халқаро ҳаётнинг актуал масалалари. 21.00 — Олам билан яшайман ўзим... 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — Уйғун шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16. 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.